Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2

1-йил чиқиши.
ДЕКАБРЬ 1966 й.
ЖУМА
№ 131.
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН ТАШАББУСКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Ленин орденли «Таштекстильмаш» заводининг зарбдор коллективи саноат корхоналари ўртасида биринчи бўлиб ажойиб ташаббусни бошлаб берди. Улар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш юзасидан Очиқ хат билан чиқишди. Эндиликда бу чақириқ республикамиз корхоналаридаги барча ишлаб чиқариш коллективларининг қизғин шиорига айланиб, социалистик мусобаканинг янги юксак формаси бўлиб қолди.

Бу илғор корхона ишчиларининг, инженер-техник ходимларининг, умуман бутун коллективнинг энг замонавий, янада самарадор машиналар ишлаб чиқариш сохасидаги меҳнат шуҳрати ҳозирги кунда мамлакатимиздан ташқарида ҳам кенг маълум.

Уларнинг қалб қўри, кўз нури ва пешона тери билан яратилган ажойиб машиналарини жаҳоннинг бошқа кўпгина мамлакатлари қатори Англия, Франция каби техникаси тараққий этган давлатлар ҳам зўр талабчанлик билан сотиб олмоқдалар.

Бугунги кунда «Таштекстильмаш» заводи ўзи ташкил топган кунининг 25 йиллигини нишонламоқда.

Байроқдор корхонанинг меҳнатсевар, тиниб-тинчамас ва ижодкор коллективи Октябрь 50 йиллиги номли деган юксак унвонга сазовор бўлиш учун тинмай курашмоқдалар. Бу борада улар қўлга киритаётган муваффақиятлар бошқаларни ҳам руҳлантирмоқда.

ЗАРБДОРЛАР

Цехда иш ҳар қачонгидек бир маромда давом этмоқда. Ортиқча шовқин-сурон ҳам йўқ. Асбобсозлар участкасида фақат металл билан олишаётган эгов ёки пўлат арранинг овози эшитилади. Ҳамма ўз дастгоҳи устида ишлаётган, турли шаклдаги деталларга ишлов берянти.

Бригадирнинг дастгоҳи негадир бўш.

— Мастернинг олдида бўлса керак. Янги қолип устида ишлаётган эдик, расчётлар тўғри келмаяпти. Ҳозиргина лойиҳани кўтариб чиқиб кетганди, — деди унинг кён қўшниси» Глеб Шепталин.

Цехнинг ўзгинасида ойна билан ўралган мўъжазгина хонада бригадир ва мастердан бўлак ҳеч ким йўқ. Иккови стол устида ёзиғлиқ лойиҳадан кўз узишмайди. Дамба-дам қаршиларидаги арифмометрга қўл чўзиб, нималарнидир ҳисоблашади. Икки варақ қоғоз аллақачон «тилсиз» рақамлар билан тўлган. Бу рақамлар шунчалик тилсизмиди? Йўқ албатта, Мусулмон Қулибоевнинг дўстлари билан бир ҳафтадан бери туну-кун тинмай сарфлаётган меҳнатининг самараси ҳам ана шу рақамларда акс этган. Улар яна бир янги ихтиронинг тақдирини ҳал қилаётган сирли рақамлар.

— Бир фикр туғилиб қолган эди. Шунинг устида ишлеяпмиз. Лекин ҳали тагига етганимизча йўқ, — деди у камтарлик билан.

Йигит тўқимачилик машиналарида кўплаб ишлатиладиган, лекин тез едирилиб ишдан чиқадиган айрим майда қисмларни металлолоидлар қотишмасидан тайёрлашни мўлжаллаётганди.

— Тўқимачилик станоклари ремонтчилари билан суҳбатда бўлсангиз, дарҳол ана шу «митти» деталлардан нолишади. Чунки, улар станокнинг бошқа қисмларига нисбатан ҳаракатчан ва тезроқ ишдан чиқади. Уларни алмаштириш учун эса бутун бошлиқ катта станокни бузиб қайта йиғиш керак. Озмунча сарф-ҳаражат бўлмайди, албатта. Бундан қутулиш учун фақат машиналар тайёрланаётганда бирор чора кўрилиши керак. Ана шу «чорани изляпмиз. Ҳозирча эришганимиз шу. — бригадир рақамлар тўла қоғоз ва қўлда чизилган лойиҳага ишора қилади.

Бригада иш олиб бораётган бу рационализаторлик таклифи ҳақида ҳали деярли ҳеч ким билмайди. Йигитлар фақат конструкторлар билан маслаҳатлашиб, завод бош технологи билан гапни бир жойга кўйиб олишган, холос. Ихтиронинг номи ҳам белгиланмаган ҳали. Фақат истиқболли. Ҳа, катта келажаги бор унинг.

Бригаданинг кўпгина қийинчиликлар, ўнлаб синов ва тажрибалардан кейин бўлса ҳам, мақсадга эришишига шубҳа йўқ. Шу кунгача республика тўқимачилик машинасозлигида муваффақият билан қўлланаётган ўнлаб ихтироларни ҳам бригада ана шундай машаққат, сонсиз синовлар ва тинмай изланиш орқали қўлга киритганди.

Яқин-яқинларгача машинасозларни ип йигирув-эшув станокларидаги ҳомашёни саралаб берадиган «сепаратор» ва цилиндрсимон таянчиқ, — «подпятник»ни бошқа бирон чидамли материалдан тайёрлаш муаммоси қийнаб келарди. Сепараторни капрондан, подпятникни эса қипиқ ва ёғоч елими қоришмасидан тайёрланадиган бўлди-ю, ҳаммаларнинг кўнгли тинчиди, иш ҳам юришиб кетди. Айниқса, Шарқ мамлакатлари учун тайёрланадиган станокларда у жуда қўл келди. Чунки, улар иссиққа ва ишқаланишга чидамлилик хусусиятига эга эди. Тайёрланиши ҳам жуда осон ва арзонга тушади. Бу — бригаданинг улкан муваффақиятидир.

Ҳа, бригада аъзолари меҳнат биографияларидаги бу бахтли кунни ҳеч қачон унутмайдилар.

«Таштекстильмаш» заводининг асбобсозлик цехида меҳнат қилаётган бу азаматлар ҳақида ҳар қанча ёзса оз. Биз уларнинг олижаноб меҳнати саҳифасидан бир парчанигина келтирдик, холос.

У. ЗОКИРОВ.

Суратда: пресс цехининг илғор участка мастери Раҳим Олимов.

Биринчи асбобсозлик цехи коммунистик бригадасининг бошлиғи Мусулмон Қулибоев.

БУГУНГИ ЯНГИЛИКЛАР

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Афғонистон Маданият ва ахборот министрлиги матбуот бўлими мудири Абдулла Моҳеб Хайрат ва шу министрлиннинг ташқи матбуот бўлими мудири Муҳаммад Шафи Майванд жаноблари Тошкентга келдилар.

Меҳмонлар Лепин номли Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетида бўлдилар. Уларни факультет декани Ш. Шомуҳамедов қабул қилди. Ш. Шомуҳамедов меҳмонларга университетда олиб борилаётган таълим-тарбия ишлари ҳақида гапириб берди. Факультет форс ва афғон кафедрасининг мудири А. Ғаниев ва старший ўқитувчи Н. Олимжонов ўртоқлар студентларнинг шарқ тилларини завқ билан ўрганишаётганлиги ҳақида сўзлаб беришди.

Шарқ факультетида афғонистонлик профессор Жовид бир неча ойдан бери лекциялар ўқимоқда. Меҳмонлар ўз ватандошларининг фаолияти билан ҳам танишдилар.

Шундан кейин меҳмонлар Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятида бўлдилар. Бу ерда уларга жамият президиуми раисининг ўринбосари Ф. Маҳкамов жамият фаолияти ҳақида ажойиб мисоллар келтирди. Жамият ҳозирги пайтда жаҳоннинг 96 мамлакати билан алоқа қилиб турибди.

Меҳмонлар Тошкентнинг йўлдош шаҳри Сергелида янги уйжойлар қурилишини томоша қилдилар. Бу ерда ҳарбий бинокорлар қунига биттадан уйни қўлдан чиқармоқдалар.

Бугун афғонистонлик меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишгач самолётда Фрунзега учиб кетдилар.

МАШИНИСТЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Тошкент локомотив депоси тепловозларининг машинистлари бу йил пландан ташқари икки миллион тонна юк ташиш мажбуриятини олган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқдилар.

Бугун локомотив бригадалари учинчи миллион тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бўлганликлари ҳақида ғалаба рапортини бердилар.

Машинистлар ўртасида мусобақа голиби К. Карпенко бўлди. У 48 та оғир юкли составларни бошқарди. Бу абжир машинист пландан ташқари ташиган юклар 31 мингдан ортиқ тоннани ташкил этади. Пешқадам машинист Б. Боллар эришган кўрсаткичлар салмоқлидир. У 55 составни бошқариб, пландан ташқари 25 минг тонна юк ташишга муваффақ бўлди.

Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллик юбилейи вахтасида туриб ишлаётган машинистлар йил охиригача яна 250 минг тонна юкни турли манзилларга етказиш мажбуриятини олдилар.

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИНИНГ КИТОБЛАРИ ОКЕАН ОШАЯПТИ

Тошкентдаги «Фан» нашриёти ўзбек олимларидан М. З. Хомидхонов, С. З. Усмонов, Н. М. Усмонхўжаев, М. А. Хусановларнинг «Вентил ўзгартирувчи автоматик бошқаришига хос ўзгарувчи ток электроприводлари тезлигини частотали бошқариш» деган асарини нашр этди.

Бу китобда кўп йиллик назарий ва амалий кузатишларнинг натижалари мужассамлашган. Асарда тахлил этилган муаммолар саноатнинг кўпгина соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Ўзбек олимларининг бу монографияси техника соҳасида яратилган жуда қимматли дастлабки ғалабадир. Асар инженер-электриклар, илмий ходимлар, электропривод бўйича мутахассислар учун мўлжалланганлиги ҳам ҳозир бу китобнинг харидорлари жуда ҳам кўпайиб кетди. «Халқаро китоб» фирмаси нашриётга ана шу китобдан бир ярим минг нусха юборилишини сўраб, мактуб юборган. Бу китоб Европа, Осиё, Америка, қитъаларидаги жуда кўп мамлакатларнинг энг йирик илмий марказларига ва машҳур олимларга тарқатилади.

БИР СМЕНАДА 4000 ПИЁЛА

Бугун Тошкент чинни буюмлар заводининг қолиплаш цехида тўрт минг дона пиёла ишлаб чиқарилди. Бундан бир неча ҳафта илгари бу рақам уч мингдан ошмас эди.

Корхона яқинда Германия Демократик Республикасидан қолиплаш машинасини олди. Янги машина пиёлани бракси чиқармоқда. Цех мастери Зариб Муродов бошқараётган бу машина ишлаб чиқаришда янги имкониятлар очиб берди. Натижада бир ойда пиёла тайёрлаш 650 минг донадан 750 минг донага кўпайди.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲИСОБИГА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик юбилейи меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Тошкентдаги 5-босмахона коллективи ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда.

Матбаачилар йиллик планни муддатидан илгари адо этдилар. Пландан ташқари 36 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Яна йил охиригача 29 минг сўмлик сифатли маҳсулот бериш уларнинг аҳдидир.

Корхонанинг билет ва босма цехлари коллективлари бугундан бошлаб келгуси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошладилар.

НОН ЗАВОДИНИНГ ЯНГИ ОМБОРИ

Бугун Тошкентдаги 2-нон заводида такомиллашган янги омбор қурилмасига киришилди. Бу омборнинг афзаллиги шундаки, у уларни қопда туширишга мухтож эмас. Бу ерга келтириладиган ун фақат маҳсус сўрғич қувурлар орқалигина тортиб олинади. Янги омбор корхонанинг йилига 20 минг сўм пулини тежаш имконини беради. Омбор қурилишида меҳнат қилаётган «Главташкентстройга» қарашли 33-қурилиш бошқармасининг С. Кочин бошчилик қилаётган бригада аъзолари объектни йил охиригача фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар.

ҚУЛАЙЛИК

Бугун пойтахтдаги «Иттифоқ» маҳалласида хўжалик буюмлари магазини қурилиб фойдаланишга топширилди. «Узтопторг»га қарашли бу магазинда аҳоли қурилиш материаллари билан бирга хўжалик буюмларини ҳам сотиб олиши мумкин.

ИНСОН ОДОБИ БИЛАН...

Суратда: Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институти ва «Тошкент оқшоми» газета редакциясининг «Инсон одоби билан...» давраси қўшма йиғилишининг президиуми.

БАРЧАГА БАРОБАР

Одамнинг одамлиги унинг хулқ-атворида, ахлоқу-одобида билинади. Шунинг учун ҳам инсон одоби масаласи кўпдан бери кишиларни қизиқтириб келган ва шундай бўлиб қолади ҳам. Ҳар бир ота-она фарзанд етиштирар экан, унинг одобли, ахлоқли бўлишини хоҳлайди. Шунга интилади ҳам. Лекин, одамлар орасида оласи ҳам учраб туриши кўпдан синалган бир ҳол.

Рост, давримиз кишилари орасида одобли деган тушунчага жавоб беролмайдиганлар у қадар кўп эмас. Лекин битта ёмоннинг қилиғи мингта яхшининг кайфиятини бузади. Шунинг учун ҳам улар доимо кўпчиликнинг диққатини тортиб келади. Атрофдагилар унинг ёмон одатидан ранжийдилар.

Одобсиз қилиқли кишининг дарҳол кўзга ташланишига бошқа бир сабаб ҳам бор. Яхши одам тинчгина меҳнатини қилиб юраверади. Шу сабабли улар дарҳол кўзга ташланмайди ҳам. Ёмон одам эса дарров кўриниб қўя қолади.

Газетамиз «Инсон одоби билан...» мавзуида суҳбат бошлаганидан бери бу ҳақда кўплаб фикрлар айтилди. Турли касб эгалари, кекса ва ёшлар ўз кўрган-билганларини ўртага ташладилар. Ҳамманинг фикри бир ердан чиқяпти... Биз шундай муҳит яратишимиз керакки, бу муҳитда одобсиз одам ўзига жой тополмай қолсин. Шундагина у атрофига чин инсон кўзи билан қарашга, ўз қилмишлари ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўришга мажбур бўлади. Бу эса барчага баробар муҳим, зарурий вазифадир. Буни бажаришда ёшидан, касбидан, тутган мавқеидан қатъий назар ҳамма бирдек жонбозлик кўрсатиб, иштирок этиши керак.

Куни кеча Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтида ўтказилган «Инсон одоби билан...» деган мунозарада худди шу гаплар айтилди. Мунозара ҳақидаги материалларни газетамизнинг иккинчи ва учинчи саҳифаларида ўқийсиз.

Институтда ташкил қилинган ахлоқ, одоб масалаларига бағишланган адабиётлар кўргазмаси олдида ҳамаванқт студентлар билан гавжум.

М. Нуриддинов фотолари.

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бирлашган нашриёти коллективи фидокорона меҳнат қилмоқда. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Матбуот комитети ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитети полиграфчиларга учинчи кварталда юксак кўрсаткичларга эришганликлари учун кўчма Қизил байроқ ва социалистик мусобақада биринчи ўринни бердилар.

Нашриёт ходимлари меҳнат унумдорлигини ва асбоб-ускуналарнинг самарадорлигини тинмай оширмоқдалар, ишлаб чиқаришни такомиллаштирмоқдалар ва маҳсулот сифатининг яхшиланишига эришмоқдалар. Бу ерда цехлар ва бошқа ишлаб чиқариш участкалари узлуксиз реконструкция қилиб борилмоқда. Янги бинолар барпо этилиб, энг замонавий ва такомиллашган полиграфия ускуналари ўрнатилмоқда.

Нашриётда ёш мутахассисларни тарбиялаб етиштиришга катта эътибор берилаётир. Ҳозир бу ерда Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидаги профессионал-техника билим юртларининг 50 дан ортиқ талабаси ишлаб чиқариш практикасидан ўтмоқда. Улар практикани тугатгач, Бирлашган нашриёт босмахонасида қолиб ишлайдилар.

Бу ерда ёшларга намуна бўлиб ишлаётган анчагина илғор ишлаб чиқарувчилар бор. Коммунистик меҳнат зарбдорларидан Р. Минулина, К. Малиновская, Я. Бродский, С. Умрзоқова, А. Суздальцева, М. Норматова, О. Иброҳимов, М. Мирбоқиев, А. Носирхонов, Н. Илатовская, В. Костюк, Р. Муҳамедов, Ж. Зайниддинов, И. Мушинский, Н. Суздальцев, Н. Студенкин, Ч. Мақсумов, Н. Зоҳидов, П. Казаков, С. Богданов, С. Леонтьев, Н. Хоменко, О. Иброҳимов, Н. Сафаров, А. Аверкиева, О. Ферфели, С. Власова ва бошқа кўплаб кишиларнинг номи кўпчиликка маълум.

Бундай улкан муваффақиятларни қўлга киритишда инженер-техник ходимлар ҳам катта роль ўйнашди. Цех бошлиқларидан М. Богданов, Т. Музаффаров, Г. Чиркин, В. Кузнецов, Т. Козлова, Н. Викнянский, мастерлардан Т. Абдурахмонов, А. Муҳамедов, В. Азиков, М. Фирсов, А. Бектемиров, С. Леонтьев, С. Йўлдошев, Х. Ортиқжонов, Л. Глебова ва бошқа ўртоқлар ишлаб чиқаришнинг моҳир ташкилотчилари ва ёшларнинг устозлари сифатида ўзларини кўрсатдилар.

Полиграфчилар шу кунларда ҳам сурьатга-сурьат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Бирлашган нашриёт коллективи совет ҳокимиятининг 50 йиллиги ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига янги ошириллган мажбуриятлар қабул қилди.

И. ШОҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети бирлашган нашриёти директорининг ўринбосари.

«ОКТЯБРЬ» МАССИВИ ЯНГИЛИКЛАРИ

АЛОҚА БЎЛИМИ

Тошкентдаги 132-алоқа бўлими очилди. Алоқа бўлими бу ерга кўчиб келган тошкентликларга хизмат қилади. Бугун янги очилган алоқа бўлимининг хушхабарчи-почтальонлари қувонч элчиси — хат, газета ва журналларни олиб, унинг эгалари томон йўл олдилар.

ПОЛИКЛИНИКА ИШГА ТУШДИ

Массивнинг 24-кварталида йигма фин уйлари асосида қурилган поликлиника аҳолига медицина хизмати кўрсата бошлади.

Янги очилган поликлиникада: терапия, педиатрия, акушер-гинекология, тери касалликлари ва манипуляцион кабинетлар бор.

ГАЗ

Массивда хонадонларни газ билан таъминлаш мақсадида уч комфортабелли газ плитналарини ўрнатувчи бўлим ташкил қилинди. «Зангори олов» хонадонларнинг огирини енгил қилмоқда.

ЯНГИ МАКТАБ

Массивнинг «Бекобод» кварталида 10 йиллик ўрта мактабнинг дастлабки 8 та синфи, ўқитувчилар хонаси фойдаланишга топширилди.

Мактаб биносини бунёд этаётган 6-қурилиш трести 32-қурилиш бошқармасининг меҳнатсевар бинокорлари қолган синф хоналарини ҳам тез кунларда фойдаланишга топшириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

ОШХОНА

«Октябрь» районидаги 34-ошхона коллективининг ташаббуси билан массивда 100 ўринли янги ошхона ишга тушди.

Ошхонанинг дошқозонларида палов, лагмон, манти, шўрва, чучвара ва набоблар тайёрланмоқда. Хўрандалар ошхона хизматидан хурсанд.

ОБ-ҲАВО

Шу кеча-кундузда Тошкентда ҳаво булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Бугун кечаси 0—2 даража, эртага кундузи 10—12 даража иссиқ бўлади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» САҲИФАЛАРИДА

● КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан СССР Министрлар Совети КПСС XXIII съезди директиваларига мувофиқ ҳамда СССР министрликлари билан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ишлаб чиққан план лойиҳалари асосида СССР Госплани томонидан тайёрланган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1967 йилги давлат плани лойиҳасини қараб чиқдилар.

● СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Франция Президентининг таклифига биноан Парижга келди.

● Ленинград областининг меҳнаткашлари Улуғ Ватан уруши даврида Ленинград остоналарида немис-фашист босқинчиларини тор-мор келтиришда мардлик ва қаҳрмонлик кўрсатганликлари ва халқ хўжалигини ривожлантиришда муваффақиятларга эришганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми Ленинград областининг ЛЕНИН ордени билан мукофотлади.

СПОРТ ЖАМИЯТЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

Бугун Республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи Советининг иккинчи пленуми бўлди. Пленумда Совет раисининг ўринбосари Э. А. Аминов «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг спорт ва физкультура ишларини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори муносабати билан республикада физкультура ва спортни янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида» доклад қилди.

Докладчи ва музокаларда сўзга чиққан нотиқларни кейинги вақтларда республикада физкультура ҳаракатини ривожлантиришда бир қатор муваффақиятларга эришилганлигини, лекин шу билан бирга айрим жойларда спорт ва физкультура маданияти бугунги кунининг талабига жавоб бермаётганлигини таъкидладилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

ИНСОН

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ва „Тошкент оқшоми“ газета редакциясининг „Инсон одоби билан...“ даврасига бағишланган қўшма йиғилиши

Ҳар ким покиза инсон бўлиб туғилади. Лекин ҳамма ҳам бирдек яхши, олижаноб инсон бўлиб етишадими? Агар шундай бўлмаса, бунга сабаб нима? Атрофимизни ўраган миллионларча яхши одамлар қаторида нима учун чин инсон номига доғ тушираётганлар ҳам учраб туради? Уларни тарбиялаш, юрагининг бир бурчида порлаб турган одамийлик туйғуларини алангалатиш учун нималар қилиш керак?

Бу муаммолар ҳаёт кун тартибида ҳар нафас муҳим ўрин тутиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳам. Жонажон Коммунистик партиямиз съездларида, Марказий Комитет Пленумларида ҳам ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқ масалалари муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Газетамиз «Инсон одоби билан...» даврасини бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт ичида редакцияга юзлаб мактублар келди. Ёзувчилар, олимлар, педагоглар, отахон ва онажонларимиз, ишчи ва студентлар ўзларини ҳаяжонга солган, юракларида йиғилиб ётган туйғу ва фикрларини, орзу ва истакларини ўртага ташладилар. Хатлар оқими кун сайин дарёдек тошиб келмоқда.

Кеча эса Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг улкан залида «Инсон одоби билан...» даврасининг қўшма йиғини бўлди. Институт педагогика коллективи — профессорлар, доцент ва ўқитувчилар, мингдан ортиқ йигит ва қизлар одоб-ахлоқ масалаларидаги ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Кечада севимли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор, кекса шоир Зокиржон Ҳабибий ва бошқалар иштирок этишди.

Қуйида шу кечада ўртага ташланган фикрларни сиз — ҳурматли газетхонлар билан ўртоқлашмоқчимиз.

Ижтимоий бурчимиз

Коммунистик партия айни вақтда совет кишиларини ғоявий етук, маънавий юксак, камчиликларга муросасиз, эски урф-одатлардан холи ва пок қилиб тарбиялашни яна ҳам актуал масала қилиб қўймоқда.

Коммунизм қуриш учун жамиятнинг моддий — техника базасини яратиш ва коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун маънавий база ҳам яратиш зарур — яъни юксак руҳий ва маънавий хислатларга эга бўлган янги кишини тарбиялаш керак. Чунки, **коммунизмда ички ишончга асосланган олий ва ижодий фаолият ҳар бир киши ҳаётининг одатий қондаси бўлиб қолади.**

Жамият аъзоларининг онглилиги қанча юқори бўлса, уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишдаги, коммунистик меҳнат формаларини ва кишилар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришдаги ижодий активлиги шунча тўла ва кенг ривожланади. Бинобарин, коммунизм қурилиши вазифалари шунча тез ва муваффақиятли ҳал қилинади.

Социалистик ишлаб чиқариш, ижтимоий фойдали меҳнат янги кишини тарбиялаб ўстиришнинг энг яхши мактаби. оилавий турмушни коммунистик асосларда қайта қуриш негизидир. Меҳнат, ишлаб чиқариш, коллектив кишиларда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришга, уларни ижтимоий бурчни бажариш учун ва оилани мустаҳкамлаш учун жавобгарликни сезиш ҳамда интизомли бўлиш руҳида тарбиялашга ғоят зўр таъсир кўрсатади. кишилар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини қарор топтиришга ёрдам беради.

Ватанимизда коммунистик жамият қуриш учун унинг моддий-техника базасини яратиш, коммунистик ижтимоий муносабатларни шакллантириш билан бирга айни вақтда янги инсонни, коммунизм кишисини тарбиялаб етиштириш ғоят муҳим масаладир. **Коммунизм кишиси ҳар томонлама камол топган, ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний камолотни мужассамлаштирган бўлиши керак.**

Совет кишисининг олижаноб фазилатлари унинг меҳнатсеварлигида, юксак онглилиги ва маданиятлигида намоён бўлмоқда. Унинг бу фазилатлари катта курашлар жараёнида, қийинчиликларни мардонавор енгиш процессида тобланмоқда, чиниқмоқда.

Совет диёрида инсон қадр-қиммати беқиёс юксакликларга кўтарилди. Бизда умумий тақдир, умумий манфаатлар, ягона коллективизм традициялари, бир кишининг ҳамма учун, ҳамманинг бир киши учун яшаши, ишлаши, меҳнат қилишда шундай ёрқин намоён бўлаётгани, бу — социалистик тузумнинг энг улкан устунлиги, энг юксак фазилатидир. Ватанимиз шуҳратини ошириш, қудратига-қудрат қўшиш учун курашаётган, ихлос ва муҳаббат билан меҳнат қилаётган, ижод этаётган ҳар бир ишчи ва колхозчи, интеллигент ва йигит-қиз беқиёс ҳурматга, партия ва ҳукуматнинг илтифоти, тақдирларнинг лойиқидир.

Ўзларининг сира ўчмас шарафли меҳнатлари билан халқнинг ишончи, иззат-ҳурматига сазовор бўлган Валентин Тюпко, Марҳамат Йўлдошева, Татьяна Кардаш, Турсуной Охунова, Абдулла Воҳидов, Раҳима Исломова, Саид Нуриддинов, Аҳмаджон Одилов, Зарифа Тошмуҳамедова, Искандар Юсуповлар маънавий гўзаллик, олижаноб одамийлик хислатларини ўзларида мужассам этдирган кишилардир. Булар сингари давримизнинг муносиб ўғил ва қизлари ҳар бир корхона ва қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир ўқув юрти ва илмий муассасада ўнлаб, юзлаб бор. Биз уларнинг шон-шавкати яна ҳам юксакларга парвоз этаверсин, меҳнатда, ижодий ишда яратаётган кашфиётлари қанот ёзаверсин, дейиз.

Кишининг юксак онглилиги, теран ақл-заковати, маънавий дунёси, етук ҳиссиётлари унинг меҳнатида, турмуш қоидаларини идрок ва фаросат билан адо этишида, жамият тартибларига риоя қилишида, одамлар билан тўғри муносабатда бўлишида айниқса равшан кўринади. **Жамият тартибини бузувчи, беўхшов қилиқлари, қўпол муомаласи, ёқимсиз хулқ-атвори билан бошқаларнинг ғашини келтириб, дилига озор берадиган, соф ҳавони бузадиган, ичкиликбоз, маиший жиҳатдан бузилган шахсларга, юлғичларга, бюрократларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак. Онда-сонда бўлса-да, учраб турадиган бундай ҳодисаларга нисбатан аёвсиз кураш — бутун жамоатчиликнинг муҳим вазифасидир.**

Меҳнат кишини тарбиялашнинг, маънавий камол топишининг мезонидир. Меҳнат кишини улуғлайди, мартабасини оширади, эл ичида унинг қадр-қимматини кўтаради. **В. И. Ленин кишиларда янгича меҳнатсеварликни шакллантириш коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим фактори деб ҳисоблар эди. У ёшларга қарата шундай деган эди: «ҲАР БИР ЁШ ЙИГИТ, ҲАР БИР ЁШ ҚИЗ КОММУНИСТИК ЖАМИЯТНИ ҚУРУВЧИ АНА ШУ МИЛЛИОНЛАРЧА ЁШЛАР ОРАСИДА БИРИНЧИ БИНОКОР БЎЛМОҒИНГИЗ КЕРАК».**

Кишиларни, айниқса ёшларни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси улар онгига марксизм-ленинизм таълимотини чуқур сингдиришдир. Шу билан бирга, қурашларда тобланган, метин иродали, жасур кекса авлод босиб ўтган революцион йиллар хотираларини ҳар дақиқа, ҳар он ёшларимизга эслатиб туриш ва уларни шу традициялар руҳида чиниқтириш, айниқса катта аҳамиятга эга.

Кенг меҳнаткашлар оммасини, барча кишиларни юксак ғоявийлик, меҳнатга ва ижтимоий хўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш — ҳар бир кишида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний камолотни чуқур сингдиришнинг омилидир.

Ш. АБДУЛЛАЕВ,
институт ректори, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Мангу барҳаёт мураббий

Инсон одоби билан! Қанчалик муҳим, шарафли. Шу билан бирга ғоят мураккаб ва масъулиятли мавзу! Унинг башарият тарихи каби катта, бой, мунозара ва мусоҳибаларга тўла тарихи бор. Зероки, инсоннинг ўзи каби унинг ахлоқ-одоби ҳам тарихан конкрет, ижтимоий ҳодисадир.

Ҳар бир даврнинг мутараққий адиби ва муаллими, мутафаккир ва олими шу мавзу устида бош қотирган, мулоҳаза юритган, ҳикматли ўгитини авлодларга мерос қилиб қолдирган.

Ахлоқ-одоб масаласи сўз санъатининг бош мавзуидир. Бу шундан ҳам аёнки, «адабиёт» терминининг ўзи «адаб» (одоб) сўзидан олинган. Бинобарин, ҳар бир адиб айни замонда муаллим ва мураббий ҳамдир.

Гомер ва Данте, Фирдавсий ва Низомий, Саъдий ва Жомий, Пушкин ва Толстой қаторидан фахрли ўрин олган улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий айни чоқда улкан муаллим ва мураббий ҳамдир. У бутун ҳаёти ва ижодий даҳосини инсоннинг бахт-саодати, камолотига бағишлади.

«Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами»

деган улуғ Алишернинг инсон ҳақидаги фикр-қарашлари, ўй-армонларининг кимё тоши эди. Инсон энг улуғ, энг шарафли зот. Оламнинг олам бўлишидан ҳам асл мақсади ҳаёт гули бўлган инсондир.

Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.

Инсоннинг ҳаёти умрбод эмас. У туғилади, ўлади, ота-боболар ўрнини фарзандлар ва набиралар эгаллайди. Бироқ **инсон ҳаётининг моҳияти умрнинг қисқа ва узунлиги билан эмас, балки мазмуни ва сифати билан белгиланади. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган хизматга бағишланиши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак. Шундагина у ўз инсоний бурчини адо этган комил инсон бўлади:**

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмагай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак бнайни
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Инсон дунёдан ўтиб кетади, лекин эл-юртга яхшилик қилган комил кишининг номи боқий қолади:

Бу гулшан ичраки йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Мураббий шоир кишиларни тўғри, ҳалол, ростгўй, саховатли, ҳимматли, марҳаматли, оқил ва одобли бўлишга чақирди, шу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган мукаммал образлар яратди, мунофиқлик, худбинлик, манфаатпарастлик, ялқовлик ва текинхўрлик каби хислатларни ғазаб ва нафрат ўти остига олди.

Саховатни бахилликка қарши қўйган Навоий, ҳалол меҳнат билан кун кечирмоқни ҳар қандай ҳиммат ва саховатдан аъло билади. Меҳнат билан кун кўрувчи мўйсафид:

«Бир дирам олмоқ чекибон даст раиж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж»

сўзлари билан Ҳотами Тойни лол қолдиради. Олим Фахриддин Розий донишмандона сўзлари билан Хоразмшоҳни маглуб қилади, вафо ва содоқатдан бир лаҳзача бўлса ҳам юз ўгирмаган икки ёр ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам Темур қиличидан қутқариб қолдилар... Булар Навоийнинг «Ҳайрат-ул-аброр» достонидаги кичик ҳикоялардаги қаҳрамонлари. Катта эпик образ бўлган Фарҳод ва Ширин, Моҳинбону, Лайли, Мажнун, Дилором, Искандар ва бошқаларнинг фазилатлари янада мукаммал, янада ибратли ва дилрабодир.

Улуғ мураббий худбинликка қарши кишиларни аҳил, иноқ бўлишга чақирди:

Фард киши даврда топмас наво,
Елғуз овучдан ким эшитибди садо?

Буюк адиб тил одоби, ота-онага иззат-ҳурмат, кишиларга муомала, муносабат ва бошқа-бошқа масалаларда қўйдан-кўп ҳикматли сўзлар яратди. Унинг «худписанд — нохирадманд», «вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ», «тилга эҳтиёрсиз, элга эътиборсиз», «чин сўз мўътабар, яхши суз мухтасар», «эр кишига зебу-зийнат, ҳикмат ва донишдир», «билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», «сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема» каби ҳикматли сўзлари халқ мақолига айланиб кетди.

Алишер Навоий мангу барҳаёт улуғ мураббийдир.

Н. МАЛЛАЕВ,
СССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудири.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 2 бет
2 ДЕКАБРЬ, 1966 Й.

Кўпчиликда гап кўп!

Янги кишини — коммунистик жамият кишисини тарбиялаш энг аввало оилада бошланади. Ҳар бир ота-она ўз хулқи, одоби, ахлоқи, меҳнати, билими ва онги билан ўз фарзандларига ибрат бўлиши керак. Чунки бола дастлабки тарбияни оилада олади. Совет мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ўсиб, камол топиши учун ҳамма имкониятлар бор.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматимиз фарзандларимизнинг тарбияси учун зўр ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳозирги ёшлар онгли, интизомли, ўқимишли, маданиятли, ҳар томонлама соғлом бўлиб етишмоқда. Улар инсон, ўз меҳнати, яратган нарсаси ва ҳар томонлама мукаммалляги билан гўзал эканини, одамнинг шулар туфайли шуҳрат қозонишини билишади. Меҳнатда кишиларнинг қобилияти ва таланти, инсоннинг дахоси намоён бўлиши, инсоннинг абадий барҳаётлиги меҳнатда экани ҳаммага маълум.

Инсон ақлга бой. Бу ақлни ишлата берсангиз, билим ва тажриба кўпаяверади. Одамнинг қадр-қиммати ортаверади. Инсон ақл қалб ва хиссиётнинг торозуси бўлган виждон неъматидан фойдаланиб, содир бўлган воқеанинг яхши-ёмонни фойда ва зарар томонларини солиштириб ҳукм чиқаради. Мана шунда яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат пайдо бўлади. Агар яхшини ёмон, ёмонни яхши десак, буни виждон қабул қилмайди.

Виждонли киши одобли бўлади. Одобли киши андишали бўлади. Инсонлар учун ёмон кўринган, халқ рад этган ҳар бир ҳаракатдан сақланиб, яхши нарсаларга одатланишни одоб дейилади. Коллективга, дўстлар, қариндош ва ота-оналарга ҳурмат кўрсатиш; одамлар билан яхши муомалада бўлиш; ваъдага вафо, ўз сўзида туриш, омонатга хиёнат қилмаслик, очиқ юзли, тотли тилли, ҳар бир ҳаракати кишига хуш келадиган назокатли бўлиш — булар одобнинг кўринишларидир.

Институтимизнинг қайси факультети ва бўлимларига кирманг, шонли замонамизга муносиб ажойиб студентларни кўрасиз. Жумладан, узоқ Тожикистон республикасидан келган М. Бобоев, машҳур Сурхон водийсидан келган У. Маматов ҳамда Т. Бибитова, шонли Қорақалпоқ элидан келган Б. Кўчқорова, Тошкент областидан келган М. Каримова, навқирон Сирдарёдан келган М. Турдибоев ва қадимий Бухородан келган Ш. Тўқсоновлар шундай студентлардир. Булардан бири комсорг, бири аълочи студент, бири жамоатчидир. Булар ҳаволаниш, ўзини ҳунар, илмда, хусида ҳаммадан юқори қўйиб, бошқаларни паст кўриш — энг ёмон хусусият эканини, кибрланиш билан киши камол топмаслигини яхши биладилар.

Яқинда институтга хат келди.

«Ёшим 26 да бўлиб, шикоят учун қўлимга қалам ушлаган эмасман, деб ёзади муаллиф. Шу сабабликми ёки ноумид бўлганимдан-ми гапни қаердан бошлашимни билмадим. Албатта кечирасизлар. Турмуш қуриб, кўрган кунимни сизларга баён қилай. Мени ота-онам ён қўшнимиз М. га унаштириб қўйдилар. Ўша вақтда, у энди педагогика билим юртини битириб, ишга кирганди. Бир йил ишладими-йўқми армияга кетди. Мен уни умид билан кутдим. Хизматни ўтаб келгач тўйимиз бўлди. Икки йил рўзғор қурдик, ўртамизда қизимиз Зумрад дунёга келди. У яна Тошкентга ўқишга кетди... Хуллас, тўрт йил рўзғор қилиб, эр орқасидан топган оқибатим шу бўлдики, 2 сентябрь куни мени уйдан ҳайдаб чиқардилар, шунга ишонасизларми? Хайф унинг ўқигани-ю, билимдонлигига! Ўзларингиз ўйланглар. Албатта ўғил-қизларингиз бордир. Уларнинг турмушлари яхши бўлишини, бола-чақалик бўлиб, бир-бирини ҳурмат қилишларини истайсизлар. Ҳар бир табаррук ота-онанинг катта умиди шу бўлса керак.

Сизлардан илтимосим шуки, у номардлиги учун дўстлари орасида жазосини топсин. Салом билан Н.»

Тўғрисини айтсак, бу ўринда йигит ҳам, қиз ҳам айбдор. Чамаси Н. унаштирилган севгини эмас, софсевгини — келгуси ҳаёт севгисини ўйлаши керак эди. Кўриниб турибдики, йигит беқадр, бевафо шахс бўлиб чиққан. Албатта, одамнинг ким бўлиши атрофдагиларга боғлиқ. Бу масала муҳокама қилингач, оила тикланди. Ҳозир улар тотув яшамоқдалар. Бу икки ёшнинг яна апоқ-чапоқ бўлиб бахтиёр яшашларида коллективнинг таъсири катта бўлди.

Жамиятимиздаги оилалар худди шундай иноқликни ўзида мужассамлантириши керак.

У. ИСМОИЛОВ,
тарих-филология факультетининг 2-курс студенти.



ОНАНИ СЕВМАГАН — ЎЗИНИ СЕВМАС!

Маълумки, илм ва фанни эгаллаш ўсиб бораётган жамиятимизнинг муҳим талабларидан биридир. Лекин илмни одоб билан жам қилиш, иккаласига эга бўлиш ҳам замонамиз талабидир. Шунинг учун «Тошкент оқшоми» газетаси «Инсон одоби билан...» деган масалани кўтариб чиқиб, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбия қилишда катта роль ўйнамоқда. Биз бундан жуда миннатдормиз. **Инсон дастлаб одобни ота-онадан ўрганади. Шунинг учун онага ва отага ҳурмат инсон одобининг бош дебочаси ҳисобланади.**

Чиндан ҳам ўз фарзандини ардоқламайдиган ота-она бўлмайди. Она фарзанд кўргандан кейин уни бағрига босади, кеча кундуз болани ардоқлайди, она мададкор, шифокор улуғ зотдир!

Шундай онани ҳурмат қилмаслик мумкинми? Ота-онага ҳурмат Ватанга ҳурматнинг боши, Ватанга ҳурмат совет кишисининг садоқатли бурчидир. Шунинг учун биз, ёш ўғил қизларимизни ота-онани ва Ватанни ҳурмат қилишга, шуларга хизмат қилишга чақирамиз.

Н. ИБОДОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

Шу ҳам одобданми?

Шу кунларда «Тошкент оқшоми» газетасида кенг газетхонлар оммаси мунозарасига қўйилган «Инсон одоби билан...» деган тема ҳаммамизни қизиқтирмоқда.

Ҳа, одоб, яхши хулқ одамнинг туман бойлигидир.

Мен шу йил институтимизнинг кутубхонашунослик факультетини битирдим. Ҳозир эса институтимиз ўқув залида ишламоқдаман.

Институтимиз бўлажак педагоглар, тарбиячилар, кутубхоначилар етиштиради. Ҳозирги студент эртага ёш авлодга билим беради. Ёш авлодни тарбиялаш учун, аввал ўзимиз одобли, хулқда бошқаларга ўрнак бўлишимиз керак.

ЎЗБЕКДА «ЧИРОЙНИНГ БЎЛГУНЧА ЧИРОЙЛИ СЎЗИНГ БЎЛСИН» ДЕЙИЛГАН НАҚЛ ҲАҚ ГАПДИР. Камтар, хушфеъл кишиларни олижаноб фазилатли кишилар дейдилар. Шундай фазилатга эга бўлган студентларимиз кўп. Уларни кўриб фахрланасан киши. Масалан, инженер-педагогика факультетининг 3-курс студенти С. Иброҳимов, агрономия факультетининг 3-курс студенти Э. Нишонов ва бошқалар дўстларига ўрнак бўлмоқдалар.

Шундай студентларимиз жуда кўп.

Ҳар бир нарсанинг қонун-қондаси бўлганидек, кутубхоначиликнинг ҳам қоидаси бор. Эрта билан соат 10 дан кеч соат 10 гача ўқув залида ўқиш учун китоб берилади. Бадиий адабиётни уйга беш кунга берилади.

Аммо кутубхона қоидасини бузувчи қарздор студентлар йўқ эмас. Улар уйга китобларни олиб кетадилару, қайтаришни ўйламайдилар. Масалан, А. Абдураҳмонов (II курс физмат), Д. Каримова (V курс физмат), Э. Рашидов (III курс музфак) ва бошқалар.

Китобларни ўз вақтида топшириш керак. Сиз ўз вақтида топширган китобни иккинчи бир студент кутади.

Билим чашмаси бўлган китобни севинг, уни йиртманг, бетларини қайирманг, ифлос қилманг. Бу ҳам сизнинг одоб даражангизни белгилайди.

А. НИҒМОНОВА,
кутубхоначи.

ЎРНАК БЎЛАЙЛИК

Ҳар қандай улкан воқеа майда-чуйдалардан бошланганн каби инсон одоби ҳам кичик зарралардан тўпланади. Унинг ахлоқсизлиги эса, бир қарашда майда-чуйда бўлиб кўринган мисолларда ўз аксини топади. Айтайлик, институт йўлагида папирос чекиб турган ўқитувчини кўрган студент эртасидан бошлаб ҳеч тортинмай домланинг ёнида чекавердиган бўлади. Ёки бошқа мисолни олайлик, ўша студент ўқитувчи бўлганидан кейин мактаб ўқувчилари шубҳасиз унга тақлид қила бошлайди. Агар ўқувчи ўқитувчисининг бирон даврада маст бўлиб ўтирганини кўрса, ортиқ ҳурмат қилмай қўяди. Хуллас, киши аввало ўз обрўсини ўзи сақлаши керак.

Биз педагоглармиз. Шунинг учун ҳам барча ерда ҳаммага ўрнак бўлишимиз керак.

Э. ХОЛИҚОВ,
институт касаба союз ташкилотининг раиси.

Санъаткор одоби

Инсон ахлоқ, одоби билан гўзалдир. Мен музика факультетининг вакили сифатида бугунги мунозарада факультетимиздаги энг одобли, хушмуомалали, киши хавас қилса арзийдиган студентларимиз ҳақидаги фикримни айтмоқчиман. Бундай студентлар бизда жуда кўп. Жумладан: биринчи курс студентлари С. Солиева, Ф. Исматуллаева, У. Содиқов, иккинчи курс студентлари Л. Аҳмедова, А. Ботиров ва бошқалар ўзларининг одоби, ахлоқи, ширин сўзлиги билан бошқа студентларга ўрнак бўлмоқдалар. Улар билан суҳбатлашиб қолсангиз, кўнглингиз ёришади. Биз уларнинг яхши тарбиячи, моҳир педагог бўлиб етишиларига ишонамиз.

Афсуски, факультетимизда санъаткор, деган юксак номга доғ тушираётган «саёқ созанда»ларимиз ҳам йўқ эмас. Бу ерда уларнинг номларини айтиб ўтирмайман, ўзлари тегишли хулоса чиқариб олсинлар. Улар яхши билиб олсинларки, бундай саёқ юра берсалар, шундай таёқ ейдиларки, кейнги пушаймон фойда бермай қолади.

Мақсад шуки, ҳар бир инсон одобли, ахлоқли, хушмуомалали; коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини ўзида мужассамлантирган бўлиши керак, чунки у инсондир!

Э. ОЛИМБЕКОВ,
музикашунослик факультети комсомол ташкилотининг секретари.

Хотин-қизларга муносабат ҳақида

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда ҳар бир совет киши-си юксак ғояли, онгли, қийинчиликдан қўрқмайдиган, мустаҳкам иродали бўлиши керак.

Биз коммунизмни халқаро майдонда икки идеологиянинг ўткир кураши шароитида кўрмоқдамиз. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда айрим кишиларда буржузия идеологиясининг сарқитлари сақланиб қолганлиги ёки умуман инсонга ёт бўлган одобсизликларнинг учраб туриши ачинарли бир ҳолдир.

Масалан: кўчаларда, кинотеатрларда тўдалашиб турган икки-уч йигитнинг ўтиб кетаётган аёл орқасидан бўлмағур гаплар айтиши хотин-қизларга ҳам, ўзига ҳам қўрматсизликдир.

Бир китобда шундай воқеа ҳикоя қилинади. Никарагуа халқи ўзларининг миллий қаҳрамони генерал Сандино бошчилигида Америка империалистларига қарши муваффақиятли миллий озодлик курашини олиб боради ва кўп ғалабаларга эришади. Бу ғалабалардан қути ўчган империалистлар Сандинони қўлга туширмоқчи бўлади. Бунинг учун Америка Қўшма Штати малайлари қаҳрамон Сандинога бизнинг қаҳрамонлигимизни тақдирлаш учун катта мукофот олиб келдик, деб 13-14 ёшли гўзал қизни кўрсатади. Мана бу қиз сизга совға дейдилар. Сандино партизанлари генералимиз нима жавоб берар экан деб турар эдилар. Шунда генерал Сандино кўзларида ғазаб ўти чақнаб сапчиб ўрнидан туради ва бу қиз менинг ватаним рамзи, ватаним символи, бу қизга ҳеч ким ёмон ният билан кўз қирини ташлашга ҳам ҳаққи йўқ, деб хитоб қилади. Ўз солдатлари билан қизни отаонасига олиб бориб беради.

Генерал Сандинонинг бу олижаноб фазилатларини кўрган партизанлар ҳамма ерда қизларга оғаларча, оталарча ғамхўрлик қиладилар, айни даврда хотин-қизлар ҳам Сандино армиясининг ғалабага эришишлари учун имконият бераб турадилар.

Бу воқеага анча бўлган, лекин ўзаро муҳаббат, иззат, халқининг номус-орини ўз жонидек сақлаш ҳамма вақт эл орасида тантана қилади. Сандинонинг виждонан поклиги, эрксеварлиги, хотин-қизларга оғаларча муносабатда бўлиши халқ орасида ўчмас из қолдирган. Бундай олижаноблик, виждонан поклик ҳамма халқларда ҳам бор. Ажойиб кишиларнинг ҳаётини, уларнинг қилган ишларини ёшлар ўртасида ёйиш керак ва улардан ўрнак олиш керак. Бундай кишиларнинг ҳаёти мардликка, жасурликка, олижанобликка даъват этади.

Н. ХОЛМУРОДОВ,
фалсафа кафедрасининг ўқитувчиси.

ОДОБИ БИЛАН...

ЧИРОЙИМИЗ

АДАБСАР РИШТАСИН ТУТГИЛ,
АДАБДИН ЯХШИ РОЗ ЎЛМАС.

ФУЗУЛИЙ.

Ҳурматли газетамиз «Тошкент оқшоми» шу куннинг энг зарур масаласи — одоб ва ахлоқ ҳақида кенг музокара бошлаб берди. Бу ҳақда гапириш керак, тўхтамай гапириш керак. Чунки инсон одоби билан гўзалдир. Одоб одамни маънавий юксакликка кўтаради. Улуғ Навоий айтганидек одоб «Ёшларни кўзга улуғ кўрсатади, уларнинг юриш-туришини халқ улуғвор билади, одамлар томонидан бўладиган ҳурматсизлик эшигини бекитади, боғлайди ва кишини ҳазил-мазахдан ва камситилишдан сақлайди, киши табиатини инсонлик йўлига солади; одам мижозига одамгарчилик манзилида ором беради. Одоб ва тавозе дўстлик кўзгусини ярқиратади, икки томондан ёруғлик етказади. Шу билан бирга Навоий яна таъкидлаб «элнинг адаби хушроқ эрур олтундин» дейди. Одобли одамнинг қалби пок, ундай кишида, хатти-ҳаракатида ақл-заковат кўриниб туради, унинг ташқи ва ички қиёфаси мусаффо ва гўзал бўлади.

Совет халқи энг одобли, ахлоқли ва энг яхши фазилатларни ўзида мужассамлантирган кишилардир. Улуғ партиямиз раҳнамолигида совет оилалари ва совет мактаблари, ўқитувчилари тарбиялаб, вояга етказган ажойиб совет кишилари дунёда энг одобли, ахлоқли ва энг яхши инсоний фазилатларни ўзларида мужассамлантиргандирлар. Лекин бу ажойиб коммунистик одоб эгалари билан бир қаторда орамизда одобсиз, ахлоқсиз баъзи бир шилқим, нобакор, нопок кишилар ҳам йўқ эмас. Ахлоқ, одобдан ва инсоний фазилатлардан маҳрум бўлган бу кишилар жамиятимиз тинчлиги, осойишталигини бузадилар, бахт-саодат йўлига рахна соладилар, халқ қарғишига дучор бўладилар.

Коммунистик партия, совет ҳукумати, совет халқи ўз фарзандларини ғоят севади. Бизда бахтли болалик ҳар жиҳатдан таъмин этилган. Болаларимиз ғамхўрлигимиз, эътиборимизни оқламоқда, ёшлардан ажойиб ахлоқли, маданиятли, пок қалбли ўринбосарлар етишиб чиқдики, улар бутун дунё халқларини қойил қолдирадиган ажойиб ишлар қилмоқда.

Лекин баъзи ёшлар, кишилар бу эътибор, ғамхўрлик, муҳаббатни жуда ҳам тўғри тушуна бермайдилар, қадрига етмайдилар. Бундан нотўғри фойдаланадилар.

Болаларга нисбатан ортиқ даражада васийлик қилинади. Болалар ҳам совет халқининг ўзларига нисбатан ғамхўрлигини фаҳмлайдилар, баъзилари ундан нотўғри фойдаланадилар. Шунинг оқибатида баъзи бир болалар тарбиячиларнинг, катталарнинг сўзига қулоқ солмайдилар, ҳурматсизлик қиладилар.

Улар уйларда ҳам, кўчада ҳам, жамоат ерларида ҳам ножўя қилиқлар қилишдан тоймайдилар, безорилик қиладилар; одамлар тинчлигини бузадилар, оғизларидан чиққан сўзлари, қилиқлари халқнинг нафратини қўзғотади, халқ улардан жирканади. Бундай ахлоқсизликларга қарши курашни кучайтириш лозим. Бунинг учун аввало мактабларда тарбиявий ишларни яхшилаш керак.

Совет мактаблари олдида ўқувчиларга коммунистик тарбия бериш вазифаси қўйилган. Тарбия ва таълим ишлари узвий бирликда олиб борилса ҳам, таълим ишига қараганда тарбиявий ишлар орқада қолиб бормоқда. Сабаби ҳозиргача мактабларимизда тарбия ишлари программаси йўқлигидир.

Тўғри, РСФСР Маориф министрлиги ва педагогика фанлар академияси томонидан ишланиб мактабларга тақдим этилган «Мактабнинг тарбия ишлари намунавий программаси»нинг ўзбек тилига таржимаси 1961 йилда Ўзбекистон мактабларига тарқатилган эди. Ҳозирги кунда бу программа кўпчилик мактабларда йўқ. Мактаб синф раҳбарлари томонидан тузилган тарбиявий иш планлари эса қаноатланарлик эмас. Демак, мактабларимиз тарбиявий ишларни программасиз олиб бораётир. Ана шунинг учун Ўзбекистон Маориф министрлиги тарбиявий ишлар программасини яратиш ва у билан мактабларни таъмин этиш тадбирларини кўрмоғи лозим. Бу программалар ота-оналар, комсомол ташкилоти, совет жамоатчилиги вакиллари иштирокида тузилиши лозим.

Бундан ташқари, педагогика билим юртлари ва педагогика институтлари студентларида тарбия ишлари, коммунистик ахлоқ тарбияси ҳақида махсус семинарлар уюштириш лозим.

Ота-оналар университетлари, педагогика билимлари университети ташкил этилиши қувонарли ишдир. Менимча бу университетлар шохобчасини кенгайтириш, колхоз, совхоз ва фабрика-заводлар қошида ташкил этиш лозим.

Музокарага турли касб эгалари қатнашмоқда. Лекин улар ўртасида ўқитувчилар кам кўринади. Ваҳоланки, ўқитувчилар бу масалага қизғин иштирок этишлари керак. Ўз тарбия ишлари маҳсулини кўриб хулоса чиқараётган ўқитувчиларимиз ўз фикр тажрибаларини ўртоқлашсалар яхши бўлар эди.

Н. ҲУСАНХУЖАЕВ,
профессор.

МАЪНАВИЙ ГЎЗАЛ БЎЛАЙЛИК

Одам эстетик эҳтиёжларсиз яшай олмайди десак янглишмаймиз. Чунки одам барча моддий эҳтиёжларга эга бўлса-ю, эстетик эҳтиёжларга эга бўлмаса, яъни гўзалликни севиш ва ундан лаззатланиш ҳиссидан маҳрум бўлса, унинг ҳаёти хира ва зерикарли бўлади. Умуман айтганда, ҳар бир инсон ҳар томонлама гўзал бўлиши керак. Мен ҳозир 1-курсда ўқияпман. Кўп курсдошларим билан пахта даврида танишиб тезда иноқлашиб кетдик. Уларнинг ҳар бири ўзига хос характерга эга, бошқача айтганда, уларнинг ҳар бири ўзига хос одам.

Қайси биримизнинг характеримиз қандайлигини ўша пахта давридаёқ билиб олдик. Баъзи дугоналаримиз жуда ёқимтой. Ўзбек қизларига хос нафосат ва назокат, ҳурмат ва юксак инсоний фазилатлар мужассамлашган бўлса, баъзи бирлари манманликка берилган, пардоз-андозда, модабозликда учига чиққан қизлардир. Улар пайти келиб олий маълумотли мутахассис дипломини олдилар, ёш авлодни тарбиялаш ҳуқукига эга бўладилар. Кўриниб турибдики, бўлажак тарбиячилар олдин ўзларини ўзлари тарбиялаб олишлари керак. Чунки бола ўз ўқитувчиларига ҳар жиҳатдан — кийинишига, муомаласига, ҳар хил шароитларда ўзини тутишига, ўз меҳнатига ва оиласига бўлган муносабатларига тақлид қилади.

Дўст, ўртоқ деган тушунчалар ўзаро ишонч, ҳурмат деган тушунчалар пойдеворига қўйилади одатда. Ана шунинг учун «Ўртоқ» деган самимий ва жозибали сўз ҳозирги кунларда турмушимизга сингиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир совет кишиси, айниқса ёшлар ҳар томонлама юксак онгли, дўстпарвар, инсонпарвар бўлиши керак. **Инсон ҳар томонлама етук бўлишида унинг маънавий гўзаллиги муҳим ўрин тутади. Маънавий гўзалликни бўлса, биз — бўлажак педагоглар тарбиялашимиз зарур.**

С. МУСАБЕКОВА,
физика-математика факультетининг 1-курс студенти.

«...АГАР ОДАМНИНГ ЎЗИ РАСВОЛАШИБ ҚОЛСА, УНИНГ КУЗИГА ҲАММА ҲАМ ЁМОН БЎЛИБ КЎРИНА БЕРАДИ...»

М. Ю. Лермонтов.

КИПРИКЛАР

Мен гапирмоқчи бўлган воқеа, бир умрга таъзим қилсанг ҳам арзийдиган дилкаш, мўътабар одамлар хонадонида рўй берган эди...

1964 йил. Қишки каникулни қишлоқда ўтказиш учун Тошкентдан уйга кетаётиб, совхозимиз марказининг уйлар сийраклашган чеккасида бир киши билан учрашиб қолдим.

— Салом.

— Салом,— у кишини ўзига оҳанграбодек тортадиган қандайдир ёқимлилик билан сўрашди.

Биз турган йўл усти бамисоли тарвақайлаб кетган толнинг пастки айриси эди. Бу йўлларнинг охири анови туман қоплаган тоғ чўққиларидамикин!

— Йўлингиз Кўлтўсинга эмасми?— деб сўрадим.

— Йўқ.

У бошқа лом-мим демади. Биз анча вақт машина кутиб турдик. Битта-битта томчилаётган ёмғир тезлаша бошлади. Ҳамроҳимнинг малларанг кубанкасидан оқаётган томчилар, яп-алоқ юзига тушиб, ғашини келтирар, у бор гавдасини силкитиб юзидаги ёмғир томчиларини сидира ётганда сув юқмас юпқа плашчи шалдираб кетарди.

Ҳаво бешбаттар айниди. Шамол кучайиб, тоғ чўққисидан туман пастга силжиди. Ҳамон машина анқонинг уруғи. Бунинг устига қуёш ҳам ботди. Ҳамроҳим тик туришдан зерикди шекилли, ёнидаги кичик, қизил чемоданини тик қўйиб, устига омонатгина ўтирди-да, сигарета тутатиб:

— Ўртоқ шу яқин ўртада таниш-билишингиз йўқми, тоғ йўли қуриб кетсин, — деди.

— Танишим йўғу, аммо энди танишмасам бўлмайди, — дедим.

Биз ярим километрлар юриб, бир нотаниш ҳовлининг дарвозасини қоқдик. (Бизларга энг яқини шу ҳовли эди-да) уй эгалари дилкаш, очиқ одамлар экан. Кечамиз жуда кўнгилдагидек бўлиб ўтди. Барчамиз бир-биримиз билан қуюқ танишиб олдик. Ҳамроҳим ҳам студент экан.

Хонадон эгалари эрталаб ҳам бизларни чойсиз жўнатишмади. Чойдан туришимиз билан мезбонлар чемоданларимизни қўлларимизга тутишди. Худди шу ондан бошлаб мудҳиш бир воқеа бошланди. Ҳамроҳим уй эгалари билан қўл сиқиб ҳайрлашиш ўрнига уятсизларча тиз чўкди. Қўлидаги қизил кичик чемоданини апил-тапил очиб, ичига кўзларини ўйнатганча кўз югуртириб чиқди. Барча нарсаси жой-жойида. Шундан кейингина, у хайрлашди.

Оҳ, одамлар! Шу бир лаҳзагина давом этган мудҳиш воқеанинг гуноҳини бир ўйланг, Уни оқлаш учун асрлар етармикин!!!

— Қани, айтинг-чи, бир кечаси ўз оғушидан жой берган уй эгалари ҳамроҳим ўйлагандек ишни қилармиди? Наҳотки ўз меҳмонининг чемоданидаги нарсаларига қўл тегизса, ўғрилик қилса! Йўқ, мумкин эмас. Бу фақатгина одамларга ишончсизлик билан боқишнинг оқибати.

Мен шу воқеадан кейингина одамларга ишонч билан боқиш ҳам одоб эканлигини, ишончсизлик эса беодобликнинг манбаи эканлигини тушундим.

ОДАМЛАР! ИНСОН ДЕГАН НОМ ЧАҚНАБ ТУРГАН — КЎЗ. КЎЗГА ЧЎП ТУШИРМАСЛИК КИПРИКЛАРНИНГ ИШИ. КИПРИКЛАР ЭСА БИЗЛАРМИЗ.

М. ТОНГОТАРОВ,
физика-математика факультетининг 3-курс студенти.

ДИД ҲАМ ОДОБ БЕЛГИСИ

«Инсоннинг ҳамма нарсаси — чеҳраси ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам фикри ҳам гўзал бўлиши керак» деган эди А. П. Чехов. Институт биз учун олий даргоҳ, муқаддас даргоҳ. Шунинг учун ҳар бир студент мукаммал гўзалликка эга бўлиши керак.

Нима учундир баъзи студентлар институтга соч-соқоллари ўсиб кетган, оёқ кийимларида лой ёпишган ҳолда кириб келаверадилар. Бир қарашда бу майда чуйда парсалардай туюлса ҳам аслида кишиларга нисбатан ҳурматсизликдир.

Атрофдагиларни ҳурмат қилмаган киши ўзини қандай ҳурмат қилиши мумкин, ахир?

Кўпчилик студентларимиз узоқ қишлоқлардан келиб ўқимоқдалар.

Вақт ўтгандан кейин эса улар ҳозирги замон формасида кийина бошлайдилар. Аммо институтни битиргандан кейин ўз қишлоқларига қайтиб кетиб орадан оз вақт ўтиши билан аввалги формага тушиб оладилар.

Ана шунинг учун **институтимиз коллективи студентларнинг юриш-туришларига, кийинишларига катта эътибор беришлари керак. Негаки, улар педагог бўлишади.**

М. ҒУЛОМОВА,
институт комсомол комитетининг секретари.

ИНСОНГА ҲУРМАТ

Жамиятдаги моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси Инсон. Саҳроларни боғу бўстонга айлантирувчи Инсон. Коинотни забт этувчи, унинг сирларини билишга ҳаракат этувчи ҳам Инсон. **Модомки, шундай экан, жамиятдаги ахлоқ қоидаларини яратувчи ҳам Инсон бўлади. Шунга кўра одобнинг биринчи калимаси Инсонга ҳурмат билан бошланмоғи лозим.**

Одам ўзининг ақл-заковати билан, яратувчи кучи билан ҳаётга эмас, у Инсон бўлгани учун ҳам ҳамма даврларда ақли расоларнинг ҳурматига сазовор бўлиб келди ва шундай бўлиб қолажак.

«Киши-кишига дўст, биродар ва ўртоқ!», «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» деган шиор жамиятимизнинг асосий принципидир. Улуғ пролетар ёзувчиси Максим Горький айтганидек бизда «Инсон сўзи мағрур жаранглайди». Бу фақат бизнинг социалистик тузумимизнинг меваси холос. Бизда ҳамма нарса инсонпарварлик руҳида амалга оширилди.

Ўзаро ҳурмат инсоний бурчнинг энг асосий формаларидан бири ҳисобланади. Ўзаро муносабатлардаги ҳурматда киши бир-бирини мансаби ёки унвони учун эмас, катта ёки кичик бўлгани учун эмас, инсон бўлгани учун чин юракдан ҳурматлаши эътиборга олинади.

1940 йиллар, студентлик даврмиз эди. Низомий номидаги Давлат педагогика институтида ғарб адабиётида ҳурматли устозимиз, ҳозир филология фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Сулаймонов бизга лекция ўқир эдилар: Биз — студентлар домламизданги хушмуомалалик, билимни ўз шогирдларига тушунарли қилиб бера олиш, маданий юриш-туриш, ўзини ниҳоятда содда ва камтарин тутиш каби одатларга қойил қолар эдик. Тўғриси, унга тақлид қилар эдик. Домламиз ҳар қачон биз билан тасодифан учрашиб қолганларида, биз энди ўзимизни ўнглаб салом беришга оғиз жуфтлаганимизда у киши ҳар биримизнинг исм-фамилиямизни айтиб саломлашар эдилар. Биз эса домладан олдин салом бера олмаганимиз учун доимо хижолатда қолар эдик. Домла ўзларининг шу камтарин ва айни замонда оқилона тутган йўллари билан ҳам бизни маданий кишига хос сифатларга ўргатар эдилар.

Яқинда бўлиб ўтган бир воқеа мени ўз устозимнинг ажойиб фазилатларини яна бир бор ҳурмат билан эслашга мажбур этди. Бир студент ўзининг ўқитувчисидан қилиб шикоят қилиб шундай деди: «Мен лекциядан сўнг ўқутувчига бир савол билан мурожаат қилдим. У киши бутун курсдошларим олдида мендан кулдилар-да: «бу саволингиз жуда кулгили, демак сиз фалсафанинг «а» ва «б»ларини ҳам билмас экансиз, ғирт саводсиз экансиз-ку, ўқиш керак ука, ўқиш!» деб аудиториядан чиқиб кетдилар.

Шу воқеадан сўнг у кишининг лекцияларига киришга юрагим безиллайдиган бўлиб қолди».

Бу оддий бир мисолда ўқитувчининг ўз студентига қилган муомаласи нақадар ўринсиз эканлиги кўриниб турибди. Дарҳақиқат агар студент оддий бир нарсани тушунмаган экан, унга шуни оддий, тушунарли қилиб, айтиб бериш мумкин эмасмиди?

Халқимизда «Ширин сўз жон озиғи» деган мақол бор. Дарҳақиқат, бир-биримиз билан ширинсуханлик ила муомала қилсак бўлмайдими! Бўлади-ку! Айрим ҳолларда раҳбар ходимнинг ўз қўл остидаги ишчисига бақириб, ўшқириб гапирганининг гувоҳи бўламиз. Ўзгаларга қараб унар-унмасга бақириш, ўшқириш, жаҳл билан гапириш — ўтакетган одобсизлик-ку. Бақириш у кишининг нодонлигидан, ожизлигидан далолат беради.

Ўша ишчисига бақириб дўқ урган шахс, ўзидан мансаби каттароқ кишига нисбатан ундай қилишдан ўзини тийиб турами. У ўз раҳбари олдида қўлини кўксига қўйиб. таъзим бажо келтириб, «хўш хўжайин, нима буюрадилар» — деб туради. Бундай шахс инсонни эмас, мансабни ҳурмат қилади, ёки тўғрироғи мансабга қуллуқ қилади холос. Бундай шахсда ҳақиқий ҳурмат тушунчаси йўқ даражада десак хато қилмаймиз.

Кишининг мансаби учун уни ҳурмат қилиш, ундан ўзига бирор нарса ундириш мақсадида унга эгилиб — букилиш лаганбардонлик ва хушомадгўйликкина холос. Ҳақиқий ҳурмат билан хушомадгўйликни фарқ қила билиш лозим.

Айрим ҳолларда ҳурмат инсонга эмас, унинг либосига кўрсатилади. Гоҳо баъзи ерларга ишингиз тушиб бориб қолсангиз, сизни қабул қилган шахс аввало уст-бошингизга разм солади. Агарда кийинишни жойига қўйган бўлсангиз, у сизни ўзлари қатори бирор раҳбар эмасмикин деб гумонсираб қуюқ саломлашади, ўтиришга жой кўрсатади. Арзи-ҳолингизни тинглаб, тезда чора кўришга киришади. Худди шу бошлиқнинг қабулига жуда оддий кийинган камтарин ва камсухан бир киши келса, у астагина қарайди. Ўз олдида ийманибгина турган камтарин кишини совуқ қабул қилади. Унга ҳурмат кўрсатишни ўзига эп кўрмайди.

Демак, у инсонни эмас, либосни кўр-кўрона ҳурмат қилишга одатланган. Бу ўтакетган одобсизликнинг ўзгинаси эмасми? Аслида инсон **либоси, чиройи билан эмас, ўз одоби, ҳулқи, хушмуомаласи билан чиройли ва кўркам бўлади.** Модомики, шундай экан, ҳар қандай кишига нисбатан кўрсатиладиган ҳурмат унинг либосига эмас, ўзига, инсонга нисбатан кўрсатилиши лозим.

Инсоннинг кўнгли нозик, у бир озорланса, юпатиш жуда мушкул нарса. Бас, шундай экан ҳар ким ўз атрофидагилари ҳурмат қилиши, севиши керак. Шундагина ўзи ҳам иззат кўради.

Н. ВАЛИЕВА,
педагогика ўқитувчиси.

ОИЛА БАХТИ

Одоб ижтимоий муносабатларнинг актив ва зарурий формаларидан бири ҳисобланади. Унинг чегараси айни чоғда ҳам тор, ҳам чексиздир. Зотан одоб шахснинг индивидуал хусусиятларидан тортиб ҳар бир жамиятнинг умумижтимоий муносабатларига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам одоб ҳақидаги масала асрлар давомида жуда кўп мунозараларнинг асосий темаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Биз ҳам мазкур мавзунинг баъзи томонлари ҳақида ўз мулоҳазаларимизни баҳам кўрмоқчимиз.

Дастлаб биз «Инсон одоби билан...» деган масаланинг кун тартибига қўйилишининг сабаби боиси ҳақида фикр юритмоқчимиз. Назаримизда КПСС XXII съездида Коммунистик ахлоқ кодекси принципларининг катта ҳарфлар билан шарҳлаб берилиши, хилма-хил газета ва журнал саҳифаларида, радио ва телевидение программаларида, мунозараларда мазкур масаланинг асосий тема қилиб қўйилишининг боиси ижтимоий тузумимизнинг туб моҳиятидан келиб чиқмоқда.

Шу нарсани қувонч билан алоҳида қайд этмоқ керакки, ижтимоий тузумимиз, жамиятимизнинг юксак фазилати, синфий қарамақаршиликка эга бўлган капиталистик жамиятдан афзаллиги ва устунлиги бизда, одоб, ахлоқ, ҳулқ-атворнинг **интернационал мазмун касб этиб боришида ҳам ўз ифодасини топмоқда.**

Диққатингизни одоб ва ахлоқнинг узвий томонларидан бири ҳисобланган ёшларнинг турмуши масаласига жалб этмоқчиман.

Бизнинг назаримизда, бу масала ҳам ахлоқ ва одобнинг энг мураккаб, айни чоғда энг нозик томонларидан биридир. Чунки гап севги ва муҳаббат, инсоннинг қалби ва тақдири ҳақида бораётир.

Бир вақтлар улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий араб билан ўзбекнинг, хитой билан арманнинг бир-бирини севишини, ҳаёт ўртоғи бўлишини орзу қилган, бу борада ўлмас достонлар яратган эди.

Эндиликда оила, севги ва муҳаббат каби тушунчалар ҳам **интернационал мазмунга эга бўлиб қолди.** Давримизнинг буюк фазилати шундаки, оила қуришда, ўзига турмуш ўртоғи топишда ёшларимизнинг севги ва муҳаббати ҳар қандай чегара ва масофани босиб ўтмоқда. Рус украин ёки белоруслан, ўзбек озарбайжон ёки армандан, қозоқ, тожик ёки туркмандан ўзига муносиб турмуш ўртоғи топа олади.

Агар ўтмишда бир уруғнинг иккинчи бир уруғдан, бир авлоднинг бошқа бир авлоддан, бир қабиланинг бошқа бир қабиладан қиз олиб, қиз бера олмаслигини назарда тутсак, давримизнинг фазилати ўзининг бутун салобати билан, нақадар буюклиги билан кўз ўнгимизда гавдаланганини янада ёққолроқ, тасаввур қиламиз.

Гап фақат ёшларимизнинг мавжуд коммунистик ахлоқ нормаларини ўзларида нақадар мужассамлаштиришида, севги ва ҳаётнинг қадрига етиб ардоқлашида, ахлоқ ва одобнинг энг кичик элементларидан тортиб, барча кўринишларини ўз шахсида, бурчида мукаммал намойиш қила билишидадир. Биз ёшларимиздан шуни истаймиз.

Ж. ТУРСУНОВ,
филология фанлари кандидати, доцент.

„СИЗ“ ВА „СЕН“

Коммунистик ахлоқ. Демак, одоб доирасига кирадиган бир масала устида тўхтаб ўтмоқчиман.

Шубҳа йўқки, инсон одоби — унинг ички гўзаллигининг ташқи намоёнида кўринади, яъни ота-онага, ўртоқларга, ака-укага, хотин-қизларга, устоз ва мураббийга, катталарга бўлган муносабатда, қўйингчи инсоннинг ҳамма фаолиятида кўзга ташланади. Шундай экан, инсон одобининг муҳим томонини ифодаловчи нарсалардан бири атрофдагиларга мурожаат қилишда, муомалада **«сиз» билан «сен» сўзларини ишлатилишидир.**

Бу сўзларни мурожаатда ишлатилишининг бошланғич даври одат тусига кириб бориши, ҳаммага маълумки, оиладан бошланади.

Деярлик кўпчилик оилаларда болалар катталарга, ота-оналарига, ака ва опаларига сиз деб мурожаат қиладилар ва бундай шаклда мурожаат қилиш табиий бир ҳол бўлиши керак, деб тушунадилар. Бу масалага оилада ота-оналар, катталар аҳамият берадилар.

Лекин, афсуски, баъзи бир оилаларда бундай аҳволни учратмаймиз.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, баъзи бир кишилар бу масалага бошқача қарайдилар. Уларнинг фикрича, ёшлар оилада ота-оналарига, ака ва опаларига бўлган муносабатларида, муомалаларида сиз сўзи билан мурожаат қилсалар, улар ўртасидаги яқинлик гўё йўқолар эмиш. Бир оилада яшаган кишилар бир-бирларини сизлашлари мутлақо шарт эмас эмиш. Наҳотки, бир-бирига яқинликнинг мезони мурожаат ва муомалада «сен» сўзини ишлатиш билан белгиланса.

Бизнинг фикримизча, ёшлар билан катталар орасидаги муносабатда ҳурмат масофаси, агар шундай деб аташ мумкин бўлса, мавжуд бўлиши керак. Ахир, ёшлардан катталар олдида одоб сақлашни, бўлар-бўлмасга катталар ишига, суҳбатларига аралашмаслик талаб қилинади ва бу тўғри талаб. Бу ҳам катталар билан ёшлар ўртасидаги ҳурмат масофасини сақлаш эмас-ми? Бу билан биз ёшлар катталарга тақлид қилмасликлари керак, улар кат таладан маслаҳат олмасликлари, уларнинг ишларини давом эттирмасликлари керак демоқчи эмасмиз. Аксинча, бу ҳурмат масофаси, албатта, ёшлар билан катталар ўртасидаги муносабатда тушунмасликни, бир-бирларини англамовчиликни келтириб чиқазмаслиги керак.

Тўғри, бир-бирларини узоқ йиллар таниган, бир жойда ўқиган, ишлаган ва энг муҳими ёш жиҳатдан тенг бўлган дўстлар, дугоналар бир-бирларини сенлаб гаплашадилар. Бу муносабатда ҳеч ким одобсизликни кўрмайди.

«Сиз» билан «сен» сўзларини кишилар ўртасидаги муносабатда ишлатилишининг яна бир томонини гапириб ўтмоқчиман. Катталар билан сўзлашилганда сизлаб гаплашиладику, аммо шу суҳбат мазмунини бошқаларга сен ибораси ишлатиш орқали етказилади. Масалан, «у шундай қилмагин деди», «у шундай деб айтди». Бундай қилиш одоб доирасига кирмайди. Шунинг ўрнига «улар шундай қилманг дедилар», «улар шундай деб айтдилар» дейилса чиройли бўлган бўлур эди.

Юқорида «сиз» билан «сен» сўзларнинг мурожаатда, муомалада ишлатилиши одат тусига кириб бориши, оиладан бошланади деб айтиб ўтилган эди. Бунинг давоми — мактабдир. Сиз педагоглар келгусида ёш авлодни тарбияловчисизлар. Шунинг учун сизлар оилада бошланган катталарга нисбатан ҳурматнинг бир ифодаси бўлган сизлашни мактабда янада мустаҳкамлашингиз ва уни одат тусига айлантириб юборишингиз керак.

Д. ҒАНИЕВ,
доцент.

ҲАШШАГА ТААЛЛУҚЛИ



«Тошкент оқшоми» газетаси жуда кўп кишиларни ҳаяжонлантириб турган ишни бошлаб берди. «Инсон одоби билан» темасининг актуаллигини трамвайларда, троллейбусларда, автобусларда эўр мамнуният билан сўзлашиб. газетадан миннатдор бўлаётган кишиларнинг гапларидан ҳам билиш мумкин. Хуллас, ёшу қари газетанинг бу қадамини қувонч билан кутиб олди.

Газета саҳифаларида босилаётган материаллар жуда катта маънавий озуқа беради. Биз унча эътибор бермай келаётган нарсаларга эътиборимизни жалб этади. Айниқса, отахон ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Уят» мақоласи кўпларнинг кўзини очди.

«Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида чиқаётган материаллардан фойдаланиб, институтдаги олимлар ёрдами билан шаҳар маҳаллаларида шу темага бағишланган кечалар ўтказишимиз керак, деб ўйлайман. Кечаларда саволларга жавоб бериб, қарияларнинг фикрларини эшитиб, эшитганларимизни амалий турмушимизда ишлатайлик. Фақат бугина эмас, ҳозирги даврда қишлоқларимизнинг маданий, моддий ҳаётида катта ўзгаришлар бўлмоқда. Лекин ёшларимизнинг ўзларини тутишлари, туриш-юришлари, кийинишлари, муомалалари шу юксалишлардан орқада қолаётганга ўхшайди.

Қишлоқ ёшлари билан, ҳаётга энди қадам қўяётган қиз-йигитлар билан одоб тўғрисида тез-тез фикр алмашиниб туришимиз керак. Айтмоқчиманки, одоб, одамийлик, уят тўғрисида бўладиган мунозара ва савол-жавоб кечаларини колхоз, совхозларда ҳам ўтказиб турсак ёмон бўлмасди.

Бизнинг институтимиз колхозларда янги турмуш, маданий ҳаёт борасида анчагина ишлар қилган. Масалан, Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозда «Онам дерман», Свердлов номли колхозда «Болам бахтли бўлсин десангиз» темаларида учрашувлар ўтказганмиз. Энди бўлса «Инсон одоби билан» деган темадаги мунозарани колхозчилар ўртасида ва қишлоқларимизнинг бошқа меҳнаткашлари орасида давом этказишимиз керак.

Мен истардимки «Инсон одоби билан» рубрикаси остида чиқаётган материаллар қишлоқ ҳаётидан ҳам бўлса. Чунки «Тошкент оқшоми» газетасини колхозчи ўртоқларимиз ҳам жуда севиб ўқимоқдалар. Одоб масаласида қишлоқдан ҳам жуда кўп нарсаларни ўрганса бўлади.

Келинг, дўстлар, одоб, ахлоқ, маданий турмуш тўғрисида омма орасида янада жозибали, таъсирчан агитация ишларини олиб борайлик, Кечалар, мунозаралар ўтказайлик. Ота-боболаримиздан қолган энг яхши анъаналарни қайта тиклайлик. Академик Юнус Ражабий ва шоир Ҳабибийлар кўтарган масала ҳамма жойда ҳар бир кишига тааллуқли.

Сафар УТАНОВ,
фалсафа кафедрасининг аспиранти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3 БЕТ
2 ДЕКАБРЬ, 1966 Й.

Учқун Назаров



Ҳикоя

Расулжон омборга тиқилиб ётган қўғирчоқни олиб, қаддини ростлади.

— Шуми? — деди у, водопровод устунига суяниб турган Раъно томон ўгирилиб. Раъно бурнини шилқ этиб тортди-да, бошини силкиди ва ҳар ҳиқичоқ тутганда гандираклагудек бўлиб, Расулжоннинг олдига келди.

— Ивиб кетипти боланг, — деди Расулжон хотиржамгина. — Кўйлагини қуритиш керак. Ечайми?

Раъно, ҳа, демоқчи эди, ҳиқичоқ халал берди.

Расулжон қўғирчоқнинг кўйлагини ечиб сиқди-да, токка илиб қўйди, яланғоч қўғирчоқни эса офтобга ўтқазди.

— Бир пас қурисин, совқотиб кетипти боланг, сочи ҳам ҳўл, — деди Расулжон жиддий тарзда ва тўнкага ўтириб, Раъонинг имлади. — Нега боғчага бормадинг? — сўради у қизчанинг юз-бурнини рўмолчаси билан артиб.

— Авалия бўлди, — деди Раъно четга қараб.

— Даданг ишдами?

— Ишдала, ҳм. Дадамламинан «пўм»ман.

— Нега? Хафа қилдими сени?

— Боламми. Ел қимилларанда дадамла боламни уйдан опчиқмадила. Силадаям ел қимилладими?

Расулжон маъюс жилмайиб, бош силкиди.

— Ел қимилласа ёмон, а, амаки?

Расулжон яна бош силкиди.

— Жавлон яхши, дейди. Мактаб ёпилади, дейди.

Расулжон беихтиёр кулди. Ёш қизча билан бўлган суҳбат унинг қалбини ёруғлаштиргандек, руҳини кўтаргандек бўлди. Аммо бир дафъа унутилган нарса эсига тушиб, у четга кўз ташлади: сиртмоқли арқон осилганича турар, даҳшатли салобат билан «кел энди» деяётгандек эди.

— Раъно, — деди Расулжон қизчага юзланиб, — аргимчоқ солиб берсам учасанми?

— Ҳм, — деди Раъно ва унинг кўзлари чақнаб кетди.

Ҳаш-паш дегунча «дор» аргимчоққа айланди; Расулжон Раъонни ўтқазиб, ҳўп учирди. Раъно маза қилиб қиқир-қиқир кулди, унга қўшилиб Расулжон ҳам кулди.

Шу куни у институтга кеч қолиб борди.

Секретарь қиз Расулжонга бир парча қоғоз узатди. Бу қоғоз Қамбаров академик унвони олиши муносабати билан институт залида бераётган зиёфатга таклифнома эди.

Расулжон хотини Назокатхон билан зиёфатга борди. Назокатхон 33-34 ёшларда, хиёл тўлачадан келган, оқ бадан, маъюс кўзли жувон бўлиб, ўтириш мобайнида кўп нигоҳларни ўзи томон қаратди, бир зумга маҳлиё қилди. Баъзи шўх йигитлар бир-бирларига қараб жилмайиб қўйишди, кейинроқ ўйин-кулги бошлаганда, тап тортмай танцага таклиф этишди, тановарга ўйнатишди.

Расулжон фақат илжаяр, бошқаларга қўшилишиб қарсак чаларди, холос.

Ҳақиқатда Назокатхон ҳушрухсор жувон, айниқса табиат ҳам гавда, ҳам ҳусида мухтасар қилган. Расулжон олдида янада чиройли кўринар ва баъзилар эр-хотиннинг номуносиб эканини фикран эътироф этардилар.

Бу тафовутни Назокатхоннинг ўзи ҳам билар, ҳатто Расулжонга эрга теккандан кейин бир-икки ой турмуш қилиб, ажраб кетиш умиди ҳам бор эди. Назокатхон Расулжонга фавқулодда эрга тегди. Тўғриси, тегишга мажбур бўлди. Сабаби, техникумда ўқиб юрган кезлари Назокатхон бир йигитга кўнгил қўйди, йигит эса қизнинг соддалигидан фойдаланди-да, ғойиб бўлиб қолди. Назокатхон бармоғини тишлаганича қолаверди. Зудлик билан эрга тегиш, гуноҳини ёпиш керак эди.

Оёқ остидан Расулжон чиқиб қолди. Расулжон хотинининг ўтмишини рўкач, сирини ошкор қилмади. Расулжоннинг «пандавақилиги» Назокатхонга қўл келди, шу зайл турмуш қуриб кетишди. Аммо, шунча йил ўтганига қарамай, Назокатхон кўча-куйда қомати келишган, чиройли йигитларга кўзи тушса, ҳамон юрагининг ипи узилгандек бўлади. Ҳозирги билинар-билинмас кўз сузишлар ҳам ўша ушламаган орзуларнинг журъатсиз талпинишларидан..

Бир гуруҳ эркаклар папирос тутатиб коридорга чиқишди. Буларга эргашиб Расулжон ҳам чиқди, кимдир сигарет тутувди, у йўқ демай олди, беўхшов ушлаб тутатди.

Хотини туфайлими, Расулжон шу топда ҳамманинг диққат марказида эди. Баъзилар унга хушомад гарзида гапиришса, баъзилар эски гапларни эслаб, Расулжонни калака қилишди. Бир йил аввал институт қоровули: «Носвой олиб келай, иним, бир зум менинг ўрнимда ўтириб туринг», деб кетиб, ярим кечаси қайтгани, Расулжон уйига борганда, хотини эшикни очмаганини ўзи институт ходимларига гапириб, баттар кулгига қолган эди. Ҳозирги кулги ҳам ўша сафсатанинг давоми эди. — Менга қаранг, — деди Расулжонга жиддий тарзда институт директорининг илмий муовини Яҳё Мирзаев кулгига чек қўйгандек бўлиб. — диссертация қай аҳволда? Тузатдингизми?

— Йўқ, домла, ётипти? — деди Расулжон ноҳуш.

— Қолиб кетгани чакки, — деди-да, Яҳё Мирзаев атрофдагиларга қаради. — Чорасини кўриш керак, ўртоқлар. Озми-кўпми меҳнат сарф бўлган, ташлаб қўйиш яхшимас.

Даврадаги кишилар Мирзаевнинг гапини қувватлаган бўлишди.

— Энди сиз, Расулжон Олимович, — дея қўлини оталарча Расулжоннинг елкасига қўйиб, гапида давом этди Яҳё Мирзаев, — ишни олиб келинг, яна бир ўқиб кўрайлик, бир маслаҳат чиқиб қолар. Ё Комил Ҳайдарович, ё мен шефликни устимизга олиб ишингизни изга солворсак, ҳаш-паш дегунча, кандидат бўлдингиз-қолдингиз-да...

Расулжон кечадан хийла енгил тортиб қайтди, назарида унинг ҳаёти яна мазмунга эга бўлаётгандек туюлди. Ҳаяжондан у эрталабгача мижжа қоқмай чиқди. Хаёл уни қайдан қаёқларга олиб кетмади. Келажак ҳаёти жозибали бўёқларда товланди: бир зумда ўзини касса дарчаси олдида туриб пул санаётган, Назокатхоннинг елкасига нейлон пўстин ташлаётган, томининг устидаги қора қоғоз ўрнига тунука қоқаётган усталарни кузатиш қиёфасида кўрди.

Эрталаб апил-тапил эр-хотин нонушта қилишди.

Назокатхон ўз ишига, Расулжон папкасини қўлтиқлаб, институтига жўнади.

Мирзаев диссертация варақларини ағдариб, тик турган Расулжонга қаради.

— Нега турибсиз? Ўтиринг, Расул Олимович, ўтиринг, — деб жой кўрсатди.

Расулжон диван қирғасига муллаваччалардек омонатгина ўтирди.

— Оилангиз каттами, Расул Олимович? — сўради Мирзаев бир зум Расулжонга тикилиб туриб.

— Йўқ, — деб жавоб берди Расулжон мулойим овоз билан. — Ўзим, келинингиз. Битта ўғилчамиз бор. Қайнонамнинг қўлларида. Иккаламиз ишлаймиз, уйда болага қарайдиган одам йўқ.

— Келин нима ишдалар?

— Кўрлар артелида. Нормировщица бўлиб ишлайди.

— Кўзлари ожизми? — таажжубланиб сўради Мирзаев.

— Йўқ, — деди Расулжон илжайиб. — Бўлак дурустроқ иш топилмади.

(Давоми бор).

(Боши газетанинг 1 декабрь сонида).

ШИФОКОРЛАР МИНБАРИ

*ИБН СИНО ИЗДОШЛАРИ *ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Қон босимининг ҳаддан ташқари балаид бўлиши ва бошқа касалликларим туфайли биринчи группа инвалиди бўлиб қолдим. Дард туфайли 4-поликлиникага тез-тез қатнаб тураман. Поликлиникада Назира ака Лутфуллаев деса дарров билишади. Ҳар сафар поликлиникага келганимда менга участка врачимиз ва бош врач Шокировалар бажонидил дарров ёрдам беришади. Уларнинг очиқ чеҳралари ва хуш феълликлари дардимга дастлабки даво бўлади. Ўн йилдан бери дардимни гапираман, улар эшитишади ва эринмасдан даволашади. Касалга ва умуман кишиларга ҳамма вақт хуш муомалада бўлиш осон иш эмас. Одобнинг юқори чўққисини эгаллаган, инсоний фазилатларнинг ҳамма томонини ўзида мужассамлаштирган кишиларгина шундай хуш муомалада бўла оладилар. Ҳозирги ёшларимиз улардан ўрнак олсалар арзийди. Мен узоқ вақт дардман бўлганлигим учун кўпгина врачларга кўринишга тўғри келган. Уларнинг ичида қўпол муомалалиги ҳам бўлмади эмас. Бу бир дардингизга ўн дард қўшади.

Мен 15-шифохонада ҳам даволанганман. Бу ерда ҳам жуда яхши қарашади. Шифокорлар бир-биридан меҳрибон. Бўлимдаги бирор врачнинг исмини алоҳида айтишга қийналаман, чунки ҳаммаси ҳам олий фазилатли чин инсонлардир.

Мен 4-поликлиниканинг юқорида исмлари тилга олинган ва 15-шифохонанинг асаб касалликлари бўлими врачлари Абу-Али ибн Синонинг ҳақиқий издошларига чин қалбимдан раҳмат айтиб, газетангиз орқали миннатдорчилик билдираман.

Н. Лутфуллаев.

●

Рустам Баҳрамовни шаҳримиздаги Фрунзе районига қарашли 14-дорихонага йўли тушган ҳар бир киши яхши танийди.

Халқимизда «хизмат қилсанг, ҳурмат кўрасан» деган ажойиб нақл бор. Рустам ака ҳам ўзининг халққа қилган ҳалол хизмати билан эътибор топган кишилардан. Мана, бир неча йилдирки у халқимизнинг саломатлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Рустам ака шу йиллар ичида қанчадан қанча кишининг ҳожатини чиқариб, қанча-қанча беморнинг соғайиб кетишига сабабчи бўлмади дейсиз. У ҳар маҳал ёрдам сўраб келган кишига мадад қўлини чўзади. Керак бўлганда харидорнинг уй адресини ёзиб қолади, керакли дори ҳозирлаб қўйгандан кейингина шу адрес бўйича хат ёзиб, беморга маълум қилади.

Бундай меҳнатсеварлар дорихона коллективи орасида кўплаб топилади. Малика Бекмуҳамедова, Насиба Қодирова каби моҳир дори тайёрловчилар заказ қилинган дориларни ўз вақтида тайёрлаш ва етказиб беришда ўз маҳоратларини намойиш қилишмоқда. Дорихона коллективи халққа яна ҳам яхши қулайлик яратиб бериш мақсадида яқиндан бошлаб хеч кими йўқ ёки жисмоний жиҳатдан ногирон кишилар хонадонига машинада дори етказиб бера бошлашди.

— Дорихонамиз витриналарида 80 процент дори-дармон тайёр ҳолда бўлиб, қолган процент дори заказ бўйича қабул қилиниб тайёрланади. Бу дориларни ўз вақтида харидорларга етказишда ва дорихона ишларини яхши йўлга қўйишда Мастура Турсунова, Мукамбар Содиқова ва Муқаррам Муллабоева каби ёшлар намунали хизмат қилишмоқда, — дейди дорихона бошлиғи Ҳамид Акбаров. Дорихонамизнинг 60 дан ортиқ ана шундай моҳир сотувчи ва дори тайёрловчиларининг ғайрат-шижоати туфайли ҳар ойлик планимиз 120—125 процентдан адо этиляпти.

Чиндан ҳам дорихонада сотувчилар билан харидорлар орасидаги алоқа яхши йўлга қўйилган. Дорихонанинг қайси бир хизматчисига мурожаат қилманг, уларнинг хушмуомалалигидан, керакли дорини топишда ёрдам беришидан беҳад хурсанд бўласиз. Бу ажойиб кишилар ҳузурида бўлсангиз, инсон сиҳат-саломатлиги учун нақадар меҳнат қилинаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Н. ТЎРАЕВ.

Руди ШТРАЛЬ. ГДР.

ҲАЖВИЯ

ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ

Яқинда кекса шоир А. нинг телевизори бузилиб қолди. У барча телевизион устахоналарига телефон қилиб кўрди, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам бир ой кутиб туриши кераклигини айтишди. Агар бирор кўнгилсиз ҳол бўлиб қолмаса, ўшандагина уста юборишмоқчи бўлишди. У олтита устахонадан телефон орқали ана шундай жавоб олганидан кейин, еттинчи устахонага шахсан ўзи киришга қарор қилди. Шоирнинг бахтига бу устахонадаги техник худди шоирнинг қўшниси-никига отланаётган экан. А. нинг ҳаддан ошиб илтимосини рад этолмаган уста унинг ҳам телевизорини тузатиб бермоқчи бўлди.

Улар биргалашиб устахонадан чиқишди, йўлда кетишаётганда уларнинг ёнидан ўтаётган одамларнинг эҳтиром билан беришаётган саломига А. ҳурмат билан алик олиб ўтарди. Ўтаётганлардан бири бошидан шляпасини олиб, эҳтиром билан саломлашди, эриб кетган шоир шундай деди:

— Мен жуда каттар одамман, аммо лекин сенга нисбатан одамларнинг шунчалар яхши муносабатда бўлишларини кўриш кишини завқлантиради. Бунга, азизим, сизнинг тушунишингиз анча қийин бўлса керак, тўғри эмасми?

— Унчалар қийин эмас, — дея жавоб қайтарди уста.

— У менинг китобларимдан бирини ўқиган бўлса керак, — деди А., — ҳамон таъзим қилиб турган ҳалиги кишига қараб қўйиб.

Шоирнинг йўлдоши бошини чайқаб қўйида, гурурланиб деди:

— Назаримда гап бунда бўлмаса керак. Билишимча, унга янги электрон-нурли трубка керакка ўхшайди.

ЛАТИФА

Ласло ТАБИ (Венгрия)

— Мен ажойиб бир латифа эшитганман. Ўзи унчалик қизиқ бўлмаса ҳам тинглаган кищи маза қилади.

— Қани, айтингчи.

— Майдонда иккита пингвин учрашиб қолишади. Эшитганмисиз?

— Йўқ.

— Ростини айтинг, сира эшитмаганмисиз?

— Асло. Хўш, кейин нима бўлади?

— Пингвинлардан бирининг қаноти боғланган экан.

— Э, қизиқ-ку. Хўш...

— Афтидан бу латифани биладиганга ўхшайсиз-а?

— Ийғ-е, айтаверинг.

— Бўлмаса нима учун «хўш» дедингиз?

— Тушунялмаи» деган маънода айтдимда. Давом этаверинг.

— Алдаманг, сал билсангиз ҳам айтмайман.

— Э, шубҳа қилманг, сира ҳам хабарим йўқ.

— Демак шундай қилиб пингвинлардан биттасининг қаноти боғланган экан. Иккинчисининг эса қўлида дурбини бормиш...

— Дурбин?

— Мени мазах қилманг, буни сиз эшитган эксанси.

— Билмайман дедимку, ишонинг ахир.

— Бўлмаса нима сабабдан «дурбин?» — дедингиз.

— Дурбинними, ҳа, мен гапингизга тушунялмаи демоқчи бўлиб айтгандим, холос.

— Мана шунақа-да. Баъзилар айтаётган латифангни билсалар ҳам уни сенга яна айтириб қўйиб, ўзлари маза қилиб эшитишади. Бу қилиқни жуда ёмон кўраман.

— Нахотки?

— «Нахотки?» дегининг нимаси. Ҳадеб мени нега қистайверасиз. Уз ҳолимга қўймайсиз?!

— Сизни қистаётганим йўқ-ку. Гапни бошлаб қўйганингиздан кейин охирига етказингда, ахир.

— Хўп. Ҳали нимага келиб тўхтовдим, қани айтинг-чи?

— Иккинчи пингвиннинг қўлида дурбини бор эди.

— Яхшиси биламан, бўлди, деб қўяқолинг.

— Йўқ.

— Тортинманг, биламан денг.

— Хўп.

— Демак, сиз билар эксанси.

— Оббо, билмайман дедим-ку.

— Бўлмаса нега «хўп» дедингиз?

— Мен мабода билсам айтиб бераман демоқчи эдим.

— Бўпти, буёғини эшитинг. Ҳалиги қаноти боғланган пингвин иккинчисидан: «Дўстим, сиз яқиндаги нарсани кўрмайсизми? — деб сўрабди. Униси бўлса дурбинни кўзига тутибди. Биласизми?

— Йўқ.

— Бўлмаса нега кулиб қўйдингиз?

— Латифангизни эшитиб бўлмасданоқ кулақолдим-да.

— Ўзим ҳам боя бу латифани эшитганлигингизни билувдим-а! Энди бошқа сафар мени лақиллатиб бўпсиз!

Русчадан Т. УНАБОЕВ таржималари.

Ленинграддаги С. М. Киров номли опера ва балет театри А. Холминовнинг «Оптимистик фожиа» операсини саҳналаштирди.

Суратда: операдан кўриниш. Комиссар ролида артистка Л. Филатова.

П. Федотов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МУРАККАБ АППАРАТ

Бу экспериментал поликлиника иш бошлаганига ярим йилдан ошди. Аммо шу қисқа давр мобайнида бу ерда кўпгина ўзгаришлар юз берди. Янги кабинет ва лабораториялар очилди.

Пойтахтнинг Чилонзор районидаги 29-экспериментал поликлиника эндиликда шаҳримиздаги энг йирик шифохоналардан бири бўлиб қолди.

Даволашнинг илғор методларидан самарали фойдаланилаётган поликлиникада яна бир янги кабинет ишга тушди. Функционал диагностика, деб номланган бундай кабинет пойтахтимиздаги поликлиникалар ичида биринчи бўлиб ташкил топди.

Кабинет замонавий медицина асбоб-ускуналари билан етарли миқдорда таъминланди. Булар орасида вектокардиоскоп аппарати ҳам бор. У тузилиши жиҳатдан телевизорга жуда ўхшаб кетади. Юрак ва бошқа органлар ҳаракатини кузатишда бу аппарат жуда қўл келади. Чунки унинг экрани врачга киши организмининг бутун жараёнини яққол кўрсатиб туради.

●

АВТОМАТ ЭКИН СУРОРАДИ

Ўсимликни суғориш деҳқоннинг асосий ишларидан ҳисобланади. Лекин, суғориш вақти ва нормасини қандай аниқлаш мумкин? Одатда буни тупроқ намига қараб аниқлайдилар. Бироқ, бу усул унчалик тўғри эмас, чунки тупроқдаги барча намлик ўсимликка ҳамма вақт ҳам керак бўлмайди. Бунинг устига бу усулнинг оворагарчилиги бор. Тупроқни ковлаб намуна олиш керак, уни бир неча марта тортиб кўриш ва қуритиш зарур.

Ўсимликнинг «чанқай» бошлаганини қандай билиш мумкин? Бунинг учун тупроқ ва ўсимликни яхши ўрганиш зарур. Иссиқлик балансини аниқлаш учун жуда кўп ўлчов ва мураккаб ҳисоб ишларини амалга ошириш керак.

Агрофизика илмий-текшириш институти ходимлари кибернетик автомат-теплобалансограф ишладилар. Автоматда ҳисоблаш-ечиш қурилмаси бўлиб, у одам иштирокисиз тупроқ ва ўсимлик барги бўғланишига доир барча ҳисобларни қилади ва лентага ёзиб олади.

Автомат тупроққа кетадиган иссиқлик миқдори, температура ва ярим метр баландликдаги ҳамда дала сатҳидан икки метр юқоридаги ҳаво намлигини аниқлайдиган датчик-асбоблардан сигналларни қабул қилиб олади. Бу маълумотларни ҳисоблаб, барг ва тупроқнинг қанча сув бўғлатганини аниқлайди. Автомат бўғланишнинг мутаносиб миқдори тўғрисида ўзи ёзадиган қурилмага сигнал беради. Қурилма бу кўрсаткични автоматик равишда лентага ёзиб олади.

Бундай асбоб суғориш муддати ва нормаси ҳақида автоматик сигнал бериши ва суғориш системаларига сув қуйиши ва уни тўхтатиши мумкин.

●

КАПРОЛОН ЯНГИ МОДДА

Пластмасса илмий-тадқиқот институти ходимлари машинасозлик саноати учун капролон, деган янги модда олишга муваффақ бўлдилар. Капролон шестерня тайёрлашда чўян, пўлат ва рангли металлар ўрнида ишлатилади.

Капролоннинг жуда кўп афзалликлари бор. У бронзадан етти марта енгил. Капролондан ясалган шестернялардан эса ҳеч қандай овоз чиқмайди. У ўзининг кўп жиҳатлари билан ҳаммага маълум бўлган текстолитдан афзалиб туради. Текстолит анча қиммат туради. Унинг бир килограмми уч-тўрт сўм бўлса, капролонники 1 сўм 80 тийин. Текстолитни тайёрлаш учун анча қиммат турадиган тўқима керак бўлади. Капролон эса арзон ва кўп хом ашё ҳисобланган капролактамдан тайёрланади. Бундан ташқари, текстолитдан фақат анча кичик деталлар ишланади, капролоннинг имкониятлари эса бу соҳада жуда катта. Институт ходимлари унча катта бўлмаган установкада капролондан ҳатто диаметри икки метрли тишли ғилдирак ясадилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

2 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 — Туркистон Ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли. 18.30 — Халқ қўйлари, 19.20 — Социалистик мамлакатлар қўйлари, 20.00 — «Навоий меҳнаткашларининг вахтаси» (рус.), 20.10 — Концерт, 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Вальс кечаси, 22.40 — Шоир Тихонов туғилган куннинг 70 йиллиги олдидан, 23.20 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — Н. Тихонов туғилган куннинг 70 йиллиги (рус.), 19.30 — А. Хачатурян асарлари, 20.10 — СССР халқларининг қўшиқ ва қўйлари, 20.45 — «Оталиқ алоқалари мустаҳкамланмоқда» (рус.), 21.00 — Рудакий номидаги мукофот лауреати А. Бобоқулов, 21.30 — Татар ёзувчиларининг янги ҳикоялари (тат.),

Телевидение

2 ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Куйлашни севамиз** (болалар учун), 18.30 — **Телевизион янгиликлар**, 18.45 — **Концерт**, 19.25 — **Даламизда** (бадиий телефильм).

20.50 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.55 — **Телевизион янгиликлар**, 21.10 — **Коммунистнинг укаси** (телеинсценировка, мактаб ўқувчилари учун), 21.40 — **Олимлар лабораториясида** (ҳужжатли фильм).

22.00 — **Сахий орол туҳфаси** (қозоқ тилида эшиттириш ва концерт).

23.00 — **Оддий фашизм** (ҳужжатли фильмнинг 2-қисми).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — **Артель мужиклари** (қўғирчоқ фильм), 17.50 — **Саратов** (ҳужжатли фильм).

Ўзбек тилида: 18.00 — **Уликлар ва тириклар** (бадиий фильмнинг 2-серияси), 19.35 — **Тошкент янгиликлари.**

19.45 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 2/XII да **Демон**, 3/XII да **Бир пардали балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/XII да **Сарвқомат дилбарим**, 3/XII да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/XII да **Қари қиз**, 3/XII да **Ўғил уйлантириш.**

Уруш ва тинчлик (2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 5 ярим, 7 ярим ва 9-15 минутда).

Улар солдатлар изидан бордилар — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 8 ва 10 да), «МОСКВА» (кеч 8 ва 9-40 минутда), «МИР» (кеч 9 да).

Шайтон арава — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун), «МОСКВА» (кеч соат 6 да), «МИР» (кеч 7 да).

Розмари — СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9-45 минутда).

Ноктюрн — «ДРУЖБА» (1-залда кечқурун), «СПУТНИК» (кеч соат 6 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 8 да).

Лимонадли Жо — «ЮЛДУЗ» (кеч соат 7 ва 9 да).

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ 2-ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

инженерлар ва техниклар (прораб, старший прораб ва мастерлар вазифасига), **электромонтёрлар, электросваркачилар, автослесарлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, А. Тўқаев кўчаси, 3-уй.

Кино театрларда

Ўзбекистон журналистлар союзининг ИЖОДИЙ ФОТОСТУДИЯСИ

давлат муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий текшириш институтлари, саноат корхоналари, колхоз ва совхозлардан

ФОТО ИШЛАРИНИНГ

ҳамма турларига

Заказ қабул қилади

Студия бир марта ва доим фото хизмати кўрсатиш учун шартномалар тузади.

Ўзбекистоннинг қадимги архитектураси тасвирланган фотооткритка-ларни оммавий тиражда нашр қилади.

Муҳим воқеалардан — Совет ҳокимиятининг эллик йиллигига бағишлаб фотосуратлар олади, халқ хўжалигининг ҳамма соҳасида, фан ва маданиятда Совет Ўзбекистони эришган ютуқларни акс эттирувчи фотовиставкалар комплектлайди, витриналар, лодборкалар, альбомлар тайёрлайди.

Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг юз йиллиги муносабати билан В. И. Ленин ҳаётининг турли давридаги фаолияти ҳақида фотооткритка комплектларини оммавий тиражда нашр қилади.

Студия атоқли мутаффаккир, ўзбек адабиёти асосчиси Алишер Навоийнинг келажак юбилейига 10x15, 18x24, 30x40 сантиметр ҳажмида Навоий фотопортретларини чиқаради.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-34, Навоий кўчаси, 30-уй («Марҳамат» проездидан кирилади).

ТОШКЕНТ ГАЗ АППАРАТЛАРИ ЗАВОДИГА

газ аппаратларини йиғувчи слесарлар, саноат ускунасини ремонт қилувчи слесарлар, инструментчи слесарлар, автоматчилар, ёрдамчи ишчилар, универсал-токарлар, табелчи, конструкторлар, газосваркачилар, стерженчилар, қолипчилар, автомат наладчиклари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 83-уй, кадрлар бўлими (4, 13-трамвай, 3, 10, 21, 48-автобус, 5-троллейбуснинг «Жуковский» остановкаси).

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ҲАМДА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Узбек тилида чиқадиган

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ"

ва рус тилида чиқадиган

„ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

НОМЛИ КЕЧКИ ГАЗЕТАЛАРГА ТУРЛИ ХИЛ

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, Узбекистон Ком. партияси Марказий Комитети. нинг Бирлашган нашриёти, 3. қават 79-хона (якшанба кунларидан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 22-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор ВЗ-02-49 дан ВЗ-02-58 гача. Қўшимча телефонлар: секретариат ва иллюстрация бўлими — 5-62; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бўлими — 3-66; саноат, қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими — 3-66; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — 7-83; фан, олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими — 7-83; физкультура ва спорт бўлими — 3-79; Ахборот бўлими — 3-78; (шаҳар телефони ВЗ.65-57); хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 3-79; эълонлар бўлими — 5—07 (шаҳар телефони — В38142).

2 ДЕКАБРЬ, 1966 Й. Р. 08959 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр. Г. 2914